Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 227 (7367). ● 28 ноябрь, 1980 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ РАПОРТИ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1980 йил январь—ноябрь ойлари планини муддатидан илгари, 25 ноябрь куни бажардилар.

Нефть ва кўмир қазиб олиш, электр энергияси ҳосил қилиш, трактор сеялкалари, пайпоқ, сутга айлантириб ҳисоблаганда қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан январь—ноябрь ойлари плани ошириб бажарилиши кутилмоқда.

(ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Республика Тайёрлаш министрлиги саноат корхоналарининг коллективлари КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, маҳсулот реализация қилиш ўн бир ойлик планини муддатидан илгари — 25 ноябрда бажардилар.

Ой охиригача ўн бир ойлик планга қўшимча равишда жами 15 миллион сўмлик бир неча тонна ёрма, омихта ем ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ИККИ ПЛАН МИҚДОРИДА КАРТОШКА

Областимизнинг илғор деҳқонлари ташаббусига қўшилган бригадамиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ҳар гектар майдондан 180 центнердан картошка етиштириш мажбуриятини олган эди. Улар бу ваъдаларини ошириб бажардилар. Деҳқонларимиз 35 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 230 центнердан, планда белгиланганидан қариб икки баравар кўп картошка қазиб олдилар.

Мўл ҳосил етиштиришда уруғликни тўғри танлашга катта эътибор берганлигимиз, деҳқончилик маданиятини оширганлигимиз муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бригадамизда асосан эртаги картошка етиштирилади. Биз далаларимизга «Прекульский» навли картошка экамиз.

Бу нав уруғлик Белоруссиядан келтирилади. Августсентябрь ойларида олиб келинган уруғлик хўжалигимиздаги махсус омборда сақланади. У далага экилгунга қадар тез-тез саралаб турилади. Февраль ойининг охирларига бориб эса уруғлик ундиришга қўйилади. Картошкани оби-ҳаво шароитига қараб одатда март ойининг биринчи ўн кунлигида экишга киришамиз.

Картошкадан мўл ҳосил етиштириш учун алмашлаб экишга алоҳида эътибор берамиз. Бригадамизда картошка, асосан, озуқа экинлари ўрнига экилади. Эски бедапоялар бузилгандан сўнг бу далаларда маккажўхори ўстирилади. Шундай кейинги йилда навбат картошкага келади.

Биз донмо майдонларнинг унумдорлигини ошириш чораларини кўрамиз. Уларнинг ҳар гектарига ўрта ҳисобда 100 тоннадан чириндигўнг солиб, кузда ер чуқур ҳайдалади. Шундан кейин бу ерлар бороналаниб текисланади ва эгатлар олиб қўйилади.

Экилган картошка униб чиқа бошлаши биланоқ, зигзагли молада бороналаниб, тупроқнинг устки қисми юмшатилади. Шундан кейин ҳар гектар майдонга 200 килограммдан минерал ва маҳаллий ўғитлар аралашмаси солинади, жўяклар олиниб суғорилади. Тупроқ етилиши билан қатор оралариини культивация қилиш бошланади.

Айрим хўжаликларда картошка тўла гулламагунга қадар иккинчи сув берилмайди. Бригадамизда эса культивациядан сўнг пешма-пеш суғориш ўтказилади. Чунки, уруғлик ёғингарчилик тез-тез бўлиб турадиган ўлкадан олиб келинган. У намни ёқтиради. Шунинг учун экин таги юмшатилиб, тез-тез суғориб турилса, ҳосил яхши етилади.

Мўл картошка ҳосили олиш учун курашда механизаторларимиз Баҳодир Беқмуродов, Қолдибой Жўрабеков, деҳқонларимиз Ўрозбой Оғабеков, Олим Нурматов, Ҳайрулла Илёсовлар, айниқса, ғайрат кўрсатишмоқда. Умуман 35 гектар майдондаги картошка етиштириш билан боғлиқ барча ишлар 6 киши томонидан бажарилади. Бу техникадан унумли фойдаланиш натижасидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министлар Советининг «Республикада картошкачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Иккинчи нон» ҳисобланган бу маҳсулот етиштиришни кескин кўпайтириш тадбирлари белгилаб берилган. Бригадамиз деҳқонлари республикамиз партия ва ҳуқуматининг бу қарорига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилганлар. Улар келгуси йилда картошка экиладиган майдонларни беш гектарга кенгайтириб, 40 гектарга етказадилар. Ҳар гектар майдондан 250 центнердан ҳосил олишни мўлжалламоқдамиз.

А. ЭГАМНАЗАРОВ,
Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

БЕШ ЙИЛЛИККА ЗАРБДОР ЯКУН

Олмалиқ мис эритиш заводи коллективи ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида мусобақани авж олдириб, меҳнатда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Суратда: катта мис эритувчи Александр Христюков. У ишда бошқаларга намуна бўлаяпти.

В. Сироткин фотоси.

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИДАГИ «КОММУНИЗМ» КОЛХОЗИ БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРНИ ОШИРИБ БАЖАРДИ

КПСС XXV съезди, партия Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини изчил ҳаётга тадбиқ этаётган «Коммунизм» колхози меҳнаткашлари барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш ўнинчи беш йиллик план топшириқларини ошириб адо этдилар. Давлат қабул пунктларига 30935 тонна, планда белгиланганидан 3750 тонна кўп пахта етказиб берилди. 186 тонна, пландагидан 56 тонна кўп пилла сотилди. Дон, сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, мева, узум сотиш беш йиллик планлари ҳам 1,5-2 баравар ошириб бажарилди.

Хўжалик меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида, айниқса, катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. 1550 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, қабул пунктларига 6045 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Пилла, дон, картошка, мева сотиш планлари ва олинган мажбуриятлар ҳам муваффақиятли адо этилди.

Колхозда чорвачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Гўшт сотиш бўйича ўнинчи беш йиллик плани 2, сут—1,3, туҳум — 2,7 баравар ошириб ўрилянди.

Чорвадорлар 1980 йилда ҳар бир сигирдан сут соғиб олишни 5 минг килограммга етказиш юзасидан олган ошириган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажармоқдалар. Ҳозиргача ҳар сигирдан 4640 килограммдан сут соғиб олинди. Ҳар юз бош сигирдан 100 тадан бузоқ, ҳар юз бош совлиқдан 111 тадан қўзи олинди. Чорва моллари бош сонини кўпайтириш бўйича белгиланган топшириқлар тўла бажарилди.

Ферма ходимлари ҳозиргача аҳоли дастурхонига 1727 тонна, йиллик планда белгиланганидан 427 тонна кўп сут тортиқ қилдилар. Гўшт сотиш ўтган йилдагига нисбатан 29,3 процентга, сут — 22,3 процентга ортди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорларига амалий иш билан жавоб бериш, партия XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган колхоз аъзолари кузги-қишки ишларни жадал суръатларда олиб бормоқдалар. Чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш учун зарур чоралар кўрилмоқда.

ИШЧИ НОМИ — ШАРАФЛИ НОМ

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР ШАЙДОСИ

АЛИМКЕНТДАГИ 46-автомобиль корхонасида КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақа кун сайин авж олаяпти. Корхонанинг барча шофёрлари бу ватанпарварлик ҳаракатида иштирок этмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олишган. Шу кунларда шахсий ваъдаларининг тўла уддасидан чиқиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Ҳайдовчи Жанон Маҳамадазимов мусобақа илғорлари safida бораяпти. У 1956 йилдан бери шофёрлик қилади. Ўн саккиз йилдирки, шу корхонада ишлаб, халқ хўжалиги юкларини белгиланган манзилларга тез ва соз етказиб бермоқда. Ўзининг ишчанлиги, дўстларга меҳрибонлиги, коллектив манфаати йўлидаги фидокорлиги билан ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган. Моҳир шофёр топшириқларни доимо ортиғи билан адо этаяпти. Ойлик ўртача иш кўрсаткичлари 120 процентдан кам бўлаётгани йўқ.

Шофёрнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Унинг кўкисини «Тўққизинчи беш йиллик мусобақа ғолиби», авариясиз ишлаганлиги ҳақидаги кўкрак нишонлари безаб турибди. Бир неча бор моддий рағбатлантирилган. Корхона маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти уни яқинда «Москвич-412» енгил автомашинаси билан мукофотлади.

Жанон ака коллективда ишлаб чиқариш илғори бўлиш билан бирга ёшлар мураббийси сифатида ҳам шуҳрат қозонган. Корхонада ундан ҳайдовчилик касбини ўрганган шофёрлар анчагина бор. Жўра Маҳмудов шуларнинг бири. У ўн икки йилдан бери устози билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқда. Ишда Жанон акага тенглашишга астойдил ҳаракат қилаётганлиги учун ҳам юк ташиш нормасини 115—120 процентдан бажармоқда.

Корхонада устоз шофёрдан ўрнак олиб, белгиланган нормани ортиғи билан бажараётган шофёрлар қаторида С. Оқназаров, А. Пўлатов, И. Спивак, В. Зафаров, А. Йўлдошев ва бошқалар ҳам бор. Уларнинг ҳар бири партия XXVI съездини шахсий меҳнат совғалари билан кутиб олишга астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Яқинда автомобиль корхонасида ажойиб хушхабар тарқалди. Коллектив фахри ҳисобланган Ж. Маҳамадазимовнинг ташиб берган халқ хўжалик юки 90 минг тоннадан ҳам ошиб кетибди. Шундай қилиб у беш йиллик планини тўла бажарди.

...Посёлка кўчаси бўйлаб 11—59 ТШЛ номерли ЗИЛ-130 маркали автомашинаси илдам елиб бормоқда. Уни моҳир шофёр Ж. Маҳамадазимов моҳирона бошқаряпти. Йўлингиз доимо бехатар бўлсин, нурли манзиллар шайдоси!

Ҳ. АВВАЛОВ.

ПЕШҚАДАМ БРИГАДА

ФАРЗАНДЛАР ҳурсандлиги ўйинчоқлар билан. Тошкентдаги ўйинчоқлар фабрикаси коллективи кичкинтойлар учун турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Цехлар ва бригадалар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақада сувда сузувчи ўйинчоқлар тайёрлайдиган цех коллективи пешқадамлик қиляпти.

— Цехимизда 22 коммунистик меҳнат зарбдори, 6 бригада зарбдор суръат билан меҳнат қиляпти,— дейди мастер Владимир Исаевич Овецкий,— Хошим Қосимов, Надежда Ласкова, Клара Вишневская, Фая Олтингараевалар бошлиқ бригадалар зиммадаги топшириқларини мунтазам 120—130 процентга етказиб бажаришмоқда. Ўн ойлик план муддатидан илгари адо этилди. Пландагига қўшимча 90 минг сўмликдан ортиқ турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Хошим Қосимов бошлиқ комплекс бригада азаматлари айни кунларда 1981 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ЁШЛАРНИНГ ҒАЙРАТИ ВА ИЖОДИ

Ўзбекистон комсомоллари, йигит ва қизлари КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқдалар, ёшлар тўғрисида, уларни ҳар томонлама камол топтириш ҳақида ғамхўрлик қилаётганлиги учун жонажон Коммунистик партиямга самимий миннатдорчилик изҳор этмоқдалар.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг 26 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари шулар тўғрисида гапирдилар. Унда КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг якунлари ҳамда республика комсомол ташкилотларининг Пленум қарорларидан, ўрток Л. И. Брежневнинг унда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама этилди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов доклад қилди.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар Ўзбекистоннинг ёш меҳнаткашлари ҳар бир съезд олди кунини меҳнатда, ўқишда, жамоат ҳаётида янги-янги муваффақиятлар билан нишонлаш иштиёқида эканликларини таъкидладилар.

Пленум иштирокчилари шуни айтдиларки, республика комсомоллари, барча йигит-қизлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларини амалга оширишга салмоқли ҳисса қўшадилар, КПСС XXVI съезди билан Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун бутун куч ва ғайратларини сафарбар этадилар.

(ЎзТАГ).

КУЗГИ-ҚИШКИ ИШЛАР

Якунловчи йил юзасидан зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятларни ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун эрта кўклямданоқ енг шимариб ишга киришган бригадамиз аъзолари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Совхозимиз она-Ватанга 10 минг тонна дурдона армуғон этган бўлса, шундан 430 тоннадан кўпроғи бизнинг бригадамиз далаларидан териб олинди. Ҳосилдорлик рекорд даражага, яъни 60 центнерга етди.

Пахтакорларимиз КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга оширишга қизғин киришдилар. Пахта майдонлари сифатли шудгор қилиниб, карта бошларига маҳаллий ўғитлар чиқарилмоқда.

А. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Бекобод районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг бригада бошлиғи.

ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИНИНГ ПЛЕНУМИ

Республика журналистлар союзи правлениесининг 27 ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари КПСС XXVI съездига ва Ўзбекистон Компартияси XX съездига тайёргарлик даврида республика журналистларининг ижодий ва ташкилотчилик фаолиятини кучайтириш тадбирларини муҳокама қилдилар. Пленум иштирокчилари меҳнаткашларни съездолди умумхалқ мусобақасида муваффақиятларга эришишга, шу йил ва умуман беш йиллик планлари ва мажбуриятларини сўзсиз бажаришга сафарбар этиш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши илғорлари ҳамда новаторларининг фидокорона меҳнатини ишонарли тарзда, яққол кўрсатиб бериш матбуот, телевидение ва радио ходимларининг асосий вазифаси эканлигини таъкидладилар. Пленумда Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есенбоев доклад қилди.

(ЎзТАГ).

ОҚ ЙЎЛ, «ЧОРВАДОР—80»

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети пленумида Тошкент область йигит-қизларидан тузилган 200 кишилик отряд чорвачилик фермалари ва комплексларда ишлаш учун жўнаб кетди. Улар областимизнинг турли районларида меҳнат қилиб, чорва иши билан озми—кўпми танишишган, шу соҳага меҳр қўйишган.

— Кўпларимиз чорвадорлар сулоласиданмиз, — деди Калинин районидаги «Хасково» совхозида истиқомат қилувчи Муҳаббат Азизхўжаева. — Ҳар биримиз ўз тақдиримизни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлашга, эл дастурхонини ноз-неъматларга тўкин қилишга, жамоат чорвачилигини жадал ривожлантиришга аҳд қилганмиз. Менинг онам сут соғувчи бўлиб ишлайди. Синглим Муқаддас ҳам чорвачилик комплексининг илғор ишчиси. Улар ёнида мен ҳам мустақил равишда чорвачилик комплексларида ишлаш учун отланмоқдаман.

Муҳаббат Азизхўжаева «Ёш чорвадор» отрядининг командири. У Пискент районидаги Тельман номли 23-ўрта мактабнинг ўнинчи синф ўқувчилари Ҳамида Йўлдошева, Фарида Абднева, Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоздан Олтиной Келесбоева, Тошкент районидаги Собир Раҳимов номли колхоздан Нурсулув Кубаева, Ўрта чирчиқ районидаги Терешкова номли колхоздан Зоҳира Абдураҳмонова каби 200 йигит-қизга бош. Уларни бугун ферма ва комплекслар кутаяпти. Комсомоллар энг оғир ишларни ҳам матонат билан бажаришга бел боғлаганлар. Биз йигит-қизларга чорвачиликни юксалтиришдек шарафли ишда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ АМЕРИКА СЕНАТОРИ Ч. ПЕРСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 ноябрь куни Кремлда АҚШнинг таниқли сиёсий арбоби, республикачи сенатор Чарльз Персини қабул қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико қатнашди.

Суҳбат вақтида Л. И. Брежнев Совет-Америка муносабатларида жиддий кескинлик рўй берганлигига эътиборни жалб этди. Бундай кескинлик халқаро майдондаги умумий вазиятга салбий таъсир кўрсатди. Бундай шароитда жаҳондаги можароларнинг аввалги манбаларига бошқалари келиб қўшилди, қуролланиш пойгасининг янги давраси бошланди. Биз бу даврани бошлаб берганимиз йўқ. Жаҳонда уруш хавфи кучайди.

Л. И. Брежнев томонлар истаган тақдирда аҳволни яхшилаш мумкин эканлигига ишонч билдирди. Бунинг учун сиёсий ирода билан иш кўриш, салмоқли, реалистик йўл тутиш зарур.

Биз, деди Л. И. Брежнев, Қўшма Штатлар билан муносабатларнинг мушкуллашувини истамаган эдик ва истамаймиз ҳам. Илгари бирга-ликда куч-ғайрат сарфлаб эришилган ижобий нарсаларнинг чиппакка чиқариб ташланишини сира ҳам хоҳламаймиз. Совет Иттифоқи Қўшма Штатлар билан муносабатларни узоқ муддатли асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдоридир.

Л. И. Брежнев СССРга нисбатан ҳарбий устунликка эришиш йўлидаги уринишлар ҳеч қандай истиқболга эга эмаслигини таъкидлади. Совет Иттифоқи шундай асосда гаплашиш мумкин бўлган мамлакат эмас. Тенглик ва бир хил даражадаги хавфсизлик принципига риоя қилиш — Совет-Америка муносабатларини ривожлантиришнинг бирдан-бир мустаҳкам йўлидир.

Шу муносабат билан Л. И. Брежнев томонларнинг стратегик қуролларни ўзаро мақбул асосда чеклаш соҳасидаги хатти-ҳаракатларида турғунлик пайдо бўлишига йўл қўймаслик муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Бу ишнинг муваффақияти —бутун халқаро хавфсизликнинг ўзагидир.

Халқаро майдонда муҳим ва актуал бўлган бошқа проблемалар ҳам оз эмас. Бу проблемаларни ҳал этиш учун Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар умумий тил топишлари керак. Совет Иттифоқи, деди Л. И. Брежнев, бир-бирининг қонуний манфаатларини ўзаро ҳисобга олган ҳолда Қўшма Штатлар билан конструктив иш юритишга тайёрдир. Биз тенг шериклар сифатида тамомила ҳамкорлик қилишимиз мумкин, лекин Америка томони ҳам шунга тайёр туриши шарт.

Сенатор Перси халқаро вазиятга ва Совет-Америка муносабатларининг аҳволига ўз фикрини баён қилди. У тегишли қарорларга келиш йўлини топиш мақсадида ҳар икки мамлакатни қизиқтираётган кўп масалаларни муҳокама қилиш манфаатларини кўзлаб бу муносабатларни яхшилаш керaклигини айтди. Шу муносабат билан у стратегик қуролларни ўзаро мақбул асосда чеклаш жараёнини давом эттириш муҳимлигини, инсоният учун ҳалокатли бўлган ядро урушининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ҳар икки томон чора-тадбир кўришлари муҳим эканлигини алоҳида уқтириб ўтди.

(ТАСС).

Суратда: учрашув пайти.

ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

МАДАНИЯТ КУНЛАРИ ТУГАЛЛАНДИ

Ўзбекистонда Испания маданияти кунлари тугалланди. Концерт залларида, ишчилар клубларида ва қишлоқ клубларида олисдаги мамлакатнинг фольклор, классик ва замонавий куйлари бир ҳафтадан зиёд янграб турди. Маданият кунлари қатнашчилари — таниқли олимлар, ёзувчилар, ижрочилар саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳмони бўлдилар, республика фан ва санъат арбоблари билан учрашдилар, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олишга тайёрланаётган Ўзбекистон меҳнаткашларининг ишлари билан танишдилар. Испания туристик плакатлари кўргазмаси муваффақиятли якунланди. Минг-минглаб томошабинлар Испания кинематографчиларининг ижоди билан танишдилар. Уларнинг кино лентaлари Тошкентда намойиш қилинди.

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИДА

МЕҲНАТКАШЛАРГА ҒАМХЎР ВА МЕҲРИБОН БЎЛАЙЛИК

Конференция арафасида «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси тўқувчиси Шоира Холмўҳамедова тиним билмади. Икки беш йиллик планни сентябрь ойидаёқ бажариб қўйган донгдор ишчи жамоат топшириқларини бажаришда ҳам ҳаммага ўрнак. Бирлашма коммунистлари Шоирани район партия конференциясига делегат қилиб сайлашгани бежиз эмас.

— Мен энг аввало, меҳнат унумдорлигини оширишга интилдим, ишларнинг иложи борича кам узилишига ҳаракат қилдим, — деди у конференцияда сўзга чиқиб. — Бизда зиммасига юксак ошириллган мажбурият олиб меҳнат қилаётган ишчилар оз эмас. Улар айниқса, КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежнев нутқидан руҳланиб, янгиянги меҳнат зафарларини қўлга киритишяпти. Ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда «Б» группаси тармоқларини жадал юксалтиришни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга молик масала деб атаганди. Бу сўзлар биз, енгил саноат ходимлари олдига катта ва масъулиятли вазифаларни қўяди...

КПСС Марказий Комитетининг халқ турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисида қарорлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқларида баён этилган қоида ва хулосалар ҳаётга қандай тадбиқ этилаётганлиги район партия комитетининг биринчи секретари Х. Х. Тошхўжаевнинг ҳисобот докладида, музоракаларда сўзга чиққан делегатларнинг нутқларида қизил ип бўлиб ўтди.

— Районимиз саноатчилари конференция арафасида, кўпчилик маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўнинчи беш йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар, — деди докладчи. — «Узбекпроектмебель» бирлашмаси, театр жамияти ишлаб чиқариш комбинати, тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари беш йиллик планларини биринчилар қаторида бажардилар. Ҳисобот даврида меҳнат коллективлари маҳсулот сифатини оширишда катта муваффақиятларни қўлга киритишди. Корхоналарда сифатни бошқаришнинг комплекс системаси жорий этилди. Бу олий категориядаги маҳсулот ишлаб чиқаришни оширишга имкон берди. Бу йил давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар 28,1 процентни ташкил этяпти.

Бундан беш йил илгари давлат Сифат белгиси билан чиқариладиган маҳсулотлар уч марта кам эди. Шуниси диққатга сазоворки, қўлга киритилган муваффақиятларга райондаги енгил саноат корхоналари, жумладан, тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси, бадиий буюмлар фабрикаси, чарм-мўйна заводи, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективлари қўшган ҳисса катта бўлди.

ОКТЯБРЬ

Октябрликларнинг зафарларида янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳам катта роль ўйнади. Бу йил районда йирик корхона — йилига 25 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган чарм-галантерея ва спорт буюмлари бирлашмаси фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилашда шунингдек, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ҳам ёрдам бераяпти. Ўнинчи беш йилликда райондаги ўн тўртта саноат корхонасидан бештаси қайта тикланиб, техник жиҳатдан қайта жиҳозланди.

Ана шу тадбирлар туфайли саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш пландаги 23,6 процент ўрнига 29,5 процентга ошди. Меҳнат унумдорлиги эса 122,7 процентга етди.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев уй-жой қурилиши, социал-иқтисодий аҳамиятга молик катта масала эканлигини, уй-жой қурилишининг сифатини яхшилаш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу соҳада эришилаётган ютуқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳусусида конференция делегатлари муфассал тўхталиб ўтдилар.

Ҳисобот даврида партия ташкилотлари капитал қурилишини ривожлантиришда муайян ишларни амалга оширдилар. Беш йилликда 270 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилганлиги, 223 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилганлиги шундан далолат беради.

Район бугунги кунда ҳам шаҳардаги йирик қурилиш майдонларидан биридир. Бу ерда 23 қаватли «Москва» меҳмонхонаси қад кўтараяпти. Фурқат, Узбекистон, Янги Ўзбекистон, Халқлар дўстлиги кўчалари реконструкция қилинмоқда. Қатор гўзал ва ноёб объектлар барпо этилаяпти. Ҳисобот даврида капитал қурилиш билан боғлиқ масалалар бир неча марта район партия комитети пленумлари, актив йиғилишлари ва бюро мажлисларида кўриб чиқилди.

Лекин, қатор масалаларни ҳал этишда коммунистлар талаб даражасида фаолият кўрсатаяптилар, деб бўлмайди.

Саноат корхоналари ишининг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим коллективлар ўнинчи беш йиллик планларини бажаролмай қоладилар. «Ташкентпиво» бирлашмаси, «Сувенир» фабрикасидаги аҳвол ачинарлидир. Бу корхоналарнинг қолоқлиги сабабли район саноати ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш бўйича беш йиллик планни бажара олмаяпти. Хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари яна бир марта ўзларининг иқтисодий-социал ривожланиш планларини кўриб чиқишлари, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирларни кўришлари лозим.

— Район меҳнаткашлари,— деди 159-қурилиш трести бошқарувчиси К. Н. Тўлаганов, — Р. Х. Гайнулин бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадасининг шонли ишлари тўғрисида яхши биладилар. Мазкур коллектив ҳозирги кунгача ўн бир йиллик план-топшириқларини бажариб қўйган. Бригадада меҳнат унумдорлиги икки марта ошган, ҳар бир ишчининг йиллик даромади ҳам сезиларли даражада ўсган. Бундай коллективлар трестда кўплаб топилади. Лекин биз барча қурилиш ташкилотларимизда ташкилий, оммавий-сиёсий ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур. Районда аҳолини сифатли турар-жой билан таъминлаш соҳасидаги вазифалар шуни талаб қилади.

Конференцияда сўзга чиққан Тошкент Политехника институти партия ташкилотининг секретари И. А. Ливерко, марказий телеграф партия ташкилотининг секретари, электромонтёр К. Маҳмудова ва бошқалар оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни яхшилаш бўйича коммунистлар олдида турган вазифаларга тўхталдилар. Улар барчани КПСС XXVI съездларини муносиб кутиб олиш учун курашда актив қатнашишга даъват этдилар. Сўзга чиққан нотиқларнинг таклифлари, таниқий фикр ва мулоҳазалари конференция қарорида ўз ифодасини топди.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

* * *

Октябрь район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Х. Х. Тошхўжаев** район партия комитетининг биринчи секретари, **А. Е. Викторов** район партия комитетининг иккинчи секретари ва **У. У. Турсунова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЙСИН

Тошкент тўқимачилар маданият саройи фойесига республикамиз енгил саноатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан намуналар қўйилган. Камалак чиройидек жилвалариб турган ранго-ранг газламалар киши кўзини қамаштиради. Уларнинг аксариятига фахрий беш қирра туширилган.

Нарироқда эса Тошкент моделлар уйи ишчи-хизматчилари ишлаб чиқаришга жорий этган кийим-кечаклар, турли матолардан тикилган аёллар ва эркакларнинг мавсумий кийимлари. 1-пойафзал фабрикасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам кўпчиликка манзур бўлаётир. Пойафзалчилар ўзларининг энг яхши маҳсулотларини конференция делегатлари ҳузурида намойиш этишмоқда.

«Ташгенплан» лойиҳалаш илмий-тадқиқот институти ходимлари ишлаган макетда районнинг келажаги акс этиб турибди. Кўп қаватли турар-жой бинолари, боғ ва ҳиёбонлар гўзал шаҳримиз ҳуснига ҳусн қўшади.

Қатор диаграммаларда эса саноат корхоналари эришаётган ютуқлар ўз ифодасини топган. Район меҳнаткашлари беш йилликнинг ўтган даврида ишлаб чиқарилган ҳажмини 12,2 процентга ўсди. Бу ўсишнинг 90 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди.

Ҳисобот даврида район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотларининг диқкат-эътибори ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада яхшилашга қаратилди. Натижада шу беш йиллиннинг ўзида давлат Сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми 1975 йилдагига нисбатан 3,5 баробарга кўпайди.

Иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди. Кейинги икки йиллнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини арзонлаштириш эвазига 6 миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олинди. Беш йилда 3,5 миллион сўмлик турли материал ва хомашёлар тежаб қолинди.

Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. У. Султонованинг ҳисобот докладида ана шу рақамлар мамнуният билан қайд этилди. Докладда корхона, ташкилот, илмий муассасаларнинг фаолияти атрофлича таҳлил қилиб берилди.

— Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати енгил саноатимиз байроқдори ҳисобланган Тошкент тўқимачилик комбинатига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатмоқдалар, — деди докладчи. — Корхона ишчи-хизматчилари учун уй-жой қурилиши кенг кўламда олиб борилмоқда. Шу йиллнинг ўзидаёқ юзлаб тўқимачилар янги уйларга кўчиб ўтишди. А. Икромов, С. Раҳимов, Киров районларида комбинатнинг филиаллари, ремонт-механика цехи ва бошқа иншоотлар ишга туширилди. Корхона малакали кадрлар, транспорт, машина, ускуналар ва бошқа керакли воситалар билан таъминланди.

Комбинатни реконструкция қилиш ўн биринчи беш йилликда ҳам давом эттирилади. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш меҳнат шароитини янада яхшилаш билан бир қаторда барча маданий-маиший комплексга эга бўлган янги турар-жой шаҳарчаси бунёд этилади.

Докладчи ҳамда муҳокамада сўзга чиққан 1-пойафзал фабрикаси директори С. Аюпов, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитети секретари А. Файзуллаева, пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводининг ишчиси А. Нуриддинова, «Отделстрой» трести 28-қурилиш бошқармаси дурадгорлар бригадаси бошлиғи Б. Барковский, 160-мактаб директори Л. Романова ва бошқалар ютуқларни эътироф этиш билан бирга йўл қўйилаётган камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташладилар.

Тўқимачилик комбинатида ишчи кучининг комплектланмаганлиги ва бошқа сабабларга кўра ишлаб чиқариш қувватларидан 75 процент фойдаланилмоқда. Пластмасса буюмлари ва рўзғор химияси заводининг айрим цехларида эса бу кўрсаткич бор-йўғи 20—30 процентни ташкил этаётир. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленумида мамлакат химия тармоғи танқид қилинган масалаларига бағишланган 2 та илмий-амалий конференция ўтказилди. Ташкилий-партиявий ишлар бўйича методик советларда энг яхши бошланғич ташкилотларининг тажрибалари оммалаштирилди.

Ҳисобот-сайлов кампанияси давомида ҳар 4 коммунистнинг бири сўзга чиқди. Бу йиғилишлар коммунистлар учун катта мактаб ролини ўтади. Унда КПСС Марказий Комитетининг июль ва октябрь Пленумлари қарорларини амалга оширишнинг конкрет режалари белгилаб олинди.

Йиғилишларда партия, совет, хўжалик органлари адресига 1460 та танқидий фикр ва мулоҳаза билдирилди. Бу рақамнинг ўзи КПСС XXV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш борасида коммунистларнинг нақадар жонкуяр эканлигидан далолат беради. Партия йиғилишларидаги ҳар бир амалий таклиф сўзсиз инобатга олиниши керак.

Конференция қатнашчилари район корхона ва ташкилотларида КПСС XXVI съезди ва Узбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига социалистик мусобақани янада авж олдириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш резервлари тўғрисида батафсил тўхталдилар.

Конференцияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Район партия комитети ва район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов нутқ сўзлади.

* * *

Фрунзе район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **С. У. Султонова** район партия комитетининг биринчи секретари, **А. М. Сергеев** район партия комитетининг иккинчи секретари, **М. Ҳ. Умаров** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

ФРУНЗЕ

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ УЧУН

Ўнинчи беш йиллик зарбдор одимлар билан ниҳоясига етмоқда. Тошкент шаҳар саноат ишлаб чиқариши ўнинчи беш йиллик даврида анча ортди. Маҳсулот реализация қилиш ва кўпчилик муҳим буюмлар ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик план 1980 йил 6 ноябрда шараф билан бажарилди.

Шаҳар саноатчиларининг бу муваффақиятларида Ҳамза районы саноат корхоналари коллективларининг ҳиссаси салмоқлидир. Район меҳнаткашлари шаҳар саноатининг 38 процент маҳсулотини ишлаб чиқараяптилар. Улар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги арафасида ўнинчи беш йиллик планни бажарганликлари тўғрисида рапорт беришди. Йил охиригача пландагига қўшимча 159 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Беш йиллик мобайнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 62,8 процент ўрнига 76 процент ўсди. Айни кунларда райондаги 11 корхона коллективи ўн биринчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда.

— Бундай улкан муваффақиятларни қўлга киритишда техникавий ва ташкилий тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим ўрин эгаллади,— таъкидлашди район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмиддинов ва музоракарада қатнашган нотиқлар. — Илмий текшириш институтлари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари билан ҳамкорликда янги машиналарнинг 32 хил намунаси ишлаб чиқилди. Серунум пахта териш агрегатлари, канап ўриш машиналари, транспорт ускуналари шулар жумласидандир.

Районда маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳисобот даврида 17 корхонада сифатни бошқаришнинг комплекс системаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. «Подъёмник», темир-бетон конструкциялари заводлари, 4-нон маҳсулотлари ва «Ташкентвино» комбинатлари шулар жумласидандир. Мазкур система ишлаб чиқаришга жорий этилгач маҳсулот сифати кескин яхшиланди.

Сифатни яхшилаш борасида, айниқса, «Подъёмник» заводи партия ташкилотининг фаолияти диққатга сазовордир. Маҳсулот сифатини ошириш масаласи мунтазам равишда партия йиғилишларида муҳокама қилинади, оқсаётган участкаларга ёрдам бериш, илғор участкаларнинг тажрибасини кенг ёйиш тадбирлари ишлаб чиқилади ва уларнинг жорий этилиши мунтазам назорат қилиб борилади. Натижада бу корхонада давлат Сифат белгиси олган маҳсулот ҳажми беш йиллик бошидагига нисбатан икки баравар ошди ва умумий маҳсулот ҳажмининг 45 процентини ташкил этмоқда.

Қатор корхоналарда асосий маҳсулот турларини ишлаб чиқариш билан бирга халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Кенг истеъмол буюмлари цехлари кенгайтирилиб, маҳсулот ассортименти кўпайтириляпти. Ҳисобот даврида халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш 1978 йилдагига нисбатан 23,3 процент ошди. Уларнинг 17 проценти фахрий беш қирра билан тайёрланяпти.

Район саноат корхоналарида ўнлаб ташаббускор ишчилар меҳнат қилишмоқда. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг пешқадам фрезерчиси Альбина Девятова, «Госкомсельхозтехника»га қарашли Тошкент тажриба ремонт-механика заводининг токари, СССР Давлат мукофотининг лауреати Маҳмуджон Юсуфжонов, «Ташсельмаш» заводининг фрезерчиси Борис Яшченко, енгил металл конструкциялари заводининг фрезерчиси Мансур Қосимов, 2-нон маҳсулотлари комбинатининг вальцовкачиси Ольга Киселёвалар бугунги кунда ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Бундай муваффақиятлар билан бир қаторда, афсуски, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, айрим коммунист раҳбарлар план интизомига риоя қилишмайди, ўз зиммаларидаги вазифага масъулият билан қарамайдилар. Натижада ҳар йили 3—4 корхона ишлаб чиқариш ҳажми бўйича планни бажармай қоляпти. Ўтган даврнинг ўзида олти корхона коллективи ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш планини бажармади. «Сантехоборудование», 2 ва 6-темир-бетон буюмлари заводлари, металл фурнитуралар заводи, 1- ва 4-уйсозлик комбинатлари коллективлари эса маҳсулот таннархининг ошишига йўл қўйишди.

Айрим корхоналарда ҳатто давлат Сифат белгиси олган маҳсулотнинг стандартларга хилоф равишда тайёрланаётганлиги афсусланарлидир.

ҲАМЗА

1980 йилда ёғ-мой комбинати, парфюмерия-косметика ва қоғоз фабрикалари юқори сифат категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажармаяпти. Бу корхоналарнинг ташкилотлари эса келишувчилик кайфиятига тушиб қолган, рўй берган аҳволга принципиал баҳо бериб, камчиликларни бартараф қилиш чораларини белгиламаяптилар.

Шунингдек, иш вақтини йўқотиш давом этмоқда. 1979—1980 йилларда у ҳар бир ишловчи ҳисобига 1,7 киши кунини ташкил этади. Худди мана шу сабаб бўйича 13,5 миллион сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилди. Бу борада айниқса республика Озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба механика заводи, 1-ун заводи, 2-нон маҳсулотлари комбинати коллективлари оқсамоқда.

Районда кўпнинг кишилик қурувчилар отряди меҳнат қилаётган ютуқлар, ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар ҳусусида конференция делегатлари муфассал тўхталиб ўтдилар.

Ҳисобот даврида партия ташкилотлари капитал қурилишини ривожлантиришда муайян ишларни амалга оширдилар. Беш йилликда 270 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилганлиги, 223 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилганлиги шундан далолат беради.

Район бугунги кунда ҳам шаҳардаги йирик қурилиш майдонларидан биридир. Бу ерда 23 қаватли «Москва» меҳмонхонаси қад кўтараяпти. Фурқат, Узбекистон, Янги Ўзбекистон, Халқлар дўстлиги кўчалари реконструкция қилинмоқда. Қатор гўзал ва ноёб объектлар барпо этилаяпти. Ҳисобот даврида капитал қурилиш билан боғлиқ масалалар бир неча марта район партия комитети пленумлари, актив йиғилишлари ва бюро мажлисларида кўриб чиқилди.

Лекин, қатор масалаларни ҳал этишда коммунистлар талаб даражасида фаолият кўрсатаяптилар, деб бўлмайди.

Саноат корхоналари ишининг таҳлили шуни кўрсатадики, айрим коллективлар ўнинчи беш йиллик планларини бажаролмай қоладилар. «Ташкентпиво» бирлашмаси, «Сувенир» фабрикасидаги аҳвол ачинарлидир. Бу корхоналарнинг қолоқлиги сабабли район саноати ишлаб чиқариш суръатларини ўстириш бўйича беш йиллик планни бажара олмаяпти. Хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари яна бир марта ўзларининг иқтисодий-социал ривожланиш планларини кўриб чиқишлари, йўл қўйилган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур тадбирларни кўришлари лозим.

— Район меҳнаткашлари,— деди 159-қурилиш трести бошқарувчиси К. Н. Тўлаганов, — Р. Х. Гайнулин бошчилигидаги коммунистик меҳнат бригадасининг шонли ишлари тўғрисида яхши биладилар. Мазкур коллектив ҳозирги кунгача ўн бир йиллик план-топшириқларини бажариб қўйган. Бригадада меҳнат унумдорлиги икки марта ошган, ҳар бир ишчининг йиллик даромади ҳам сезиларли даражада ўсган. Бундай коллективлар трестда кўплаб топилади. Лекин биз барча қурилиш ташкилотларимизда ташкилий, оммавий-сиёсий ишларимизни янада кучайтиришимиз зарур. Районда аҳолини сифатли турар-жой билан таъминлаш соҳасидаги вазифалар шуни талаб қилади.

Конференцияда сўзга чиққан Тошкент Политехника институти партия ташкилотининг секретари И. А. Ливерко, марказий телеграф партия ташкилотининг секретари, электромонтёр К. Маҳмудова ва бошқалар оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишларни яхшилаш бўйича коммунистлар олдида турган вазифаларга тўхталдилар. Улар барчани КПСС XXVI съездларини муносиб кутиб олиш учун курашда актив қатнашишга даъват этдилар. Сўзга чиққан нотиқларнинг таклифлари, таниқий фикр ва мулоҳазалари конференция қарорида ўз ифодасини топди.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Узбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Конференция ишида Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров иштирок этди.

* * *

Октябрь район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Х. Х. Тошхўжаев** район партия комитетининг биринчи секретари, **А. Е. Викторов** район партия комитетининг иккинчи секретари ва **У. У. Турсунова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

МУСОБАҚА—ТАРБИЯ МАКТАБИ

КПСС Марказий Комитетининг партиямиз XXVI съезди шарафига социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисидаги қарори янги эълон қилинган кезларда созловчилар бригадаси аъзолари цех қизил бурчагига тўпланишди. Улар бамаслаҳат съездолди янги марраларини белгилаб олишни дилга жо қилган эдилар.

— Ҳаммангизга маълум, икки беш йиллик планни бажарганлигим ҳақида август ойида рапорт берган эдим, — деди новатор созловчи Анвар Муҳамедов. — Бригадамизда графикдан ўзиб ишлаётган ишчилар оз эмас. Келинглар, иш суръатини яна ҳам ошириб, партиямиз съезди очиладиган кунгача яна бир йиллик планни бажариш учун кураш бошлайлик. Бу бизнинг съездга муносиб совғамиз бўлади.

Оддий коммунистнинг дилидан чиққан бу таклиф ҳамкасбларига ҳам маъқул тушди. Шу тарика корхонада янги ташаббус туғилди ва цехлар бўйлаб кенг қулоч ёйди. Ишчилар ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар ола бошладилар. В. И. Ленин номли электрон-техника заводи партия комитети съездолди мусобақасида туғилган бу ватанпарварлик ҳаракатини қизғин маъқуллади.

Ҳозир районда Анвар Муҳамедовнинг муносиб издошлари оз эмас. Улар бир жон, бир тан бўлиб, съездолди мусобақасига кўтаринки рух, ижодий куч бахш этмоқдалар.

— Социалистик мусобақанинг барча формаларига 45 мингдан ортиқ киши жалб этилган, — деди Ленин район партия конференциясида ҳисобот доклади қилган район партия комитетининг биринчи секретари Ю. А. Чурсин. — Айниқса, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати кенг қулоч ёймоқда. 16 мингдан ортиқ коммунистик меҳнат зарбдори, 800 та коммунистик меҳнат бригадаси бу муносиб номни шараф билан оқламоқда. Мусобақада энг юқори кўрсаткичга эришаётган 12 коллектив, 185 цех, смена, салкам 6 минг ишчи бу йил ленинча фахрий ёрлиқлар билан мукофотланди.

Ҳисобот даврида социалистик мусобақа формаларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, туғилаётган ватанпарварлик ташаббусларини оммалаштиришга оид масалалар район партия комитети бюроси мажлисларида, пленумлар, актив йиғилишларида 45 марта муҳокама қилинди. Маҳсулот сифатини ошириш бўйича бажарилаётган ишлар тўғрисида электрон-техника заводи, «Қизил тонг», «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмалари, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи, «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ҳаракатдаги составлардан унумли фойдаланиш бўйича Ҳамза номли станция партия комитетлари райком бюроси олдида ҳисоб бердилар. Ҳисоботлар бўйича кўрилган чора ва тадбирлар яхши самаралар берди.

Район саноатчилари ўнинчи беш йилликда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 49,6 процент кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини эса 44,7 процент ошириш кўзда тутган эдилар. Район партия ташкилоти коммунистлар, барча меҳнаткашлар эътиборини зиммадаги юксак социалистик мажбуриятларни бажаришга қарата олди, қолоқларни илгорлар даражасига етказиб олиш чораларини кўрди. Пировардида беш йиллик план 1980 йил февраль ойидаёқ муваффақиятли бажариб қўйилди. Қўшимча 37 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Ҳозирги кунда барча цех ва участкаларда КПСС XXVI съезди шарафига қизғин мусобақа кетаяпти. Мусобақа ғолиблари тажрибаси кенг оммалаштирилмоқда. Ҳозирги кунда 1711 пропагандист ишчилар ўртасида сиёсий ва иқтисодий билимларни тарғиб қиляпти. Улар ёрдамида 816 тингловчи шахсий муқобил планлар ишлаб чиқди. 507 тингловчи эса иқтисод қилиш бўйича шахсий ҳисоб очди.

Конференцияда ютуқлар таъкидланиши билан бирга асосий эътибор бундан бўён бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратилди. Ҳозир енгил ва озиқ-овқат саноатида ишларнинг 50 проценти, машинасозлик саноатида эса 32 проценти қўл кучи билан бажарилаяпти. Октябрь революцияси номли, «Ташхимсельмаш» заводларида, канап фабрикасида, даккиснуздан қолган унумсиз ускуналардан фойдаланиб келинаяпти.

Конференцияда капитал қурилиш соҳасидаги нуқсонлар ҳам кескин танқид қилинди. Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси билим юрти пойдеворига биринчи ғишт тўққизинчи беш йилликда қўйилган эди. Ҳамон қурилиш чўзилиб келмоқда. Тошкент химия-фармацевтика заводининг ампула цехи, нўтка фабрикаси қурилишлари ҳам асоссиз равишда йилдан-йилга ўтиб келмоқда. Қурилишдаги ишларни яхшилаш масаласи бюро мажлисларида неча бор муҳокама қилинади. Лекин партиявий сўз таъсири сезилмаяпти. Сўзга чиққан делегатлар нуқсонларни тугатишга, ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларни яхшилашга ёрдам берувчи қимматли таклифларни ўртага ташладилар.

— Район партия конференцияси арафасида коллективимиз ўн бир ойлик план бажарилганлиги ҳақида рапорт берди, — деди Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти партия комитетининг секретари Т. Бобожонов. — Умуман, ўнинчи беш йилликда матбаачилар графикдан ўзиб ишламоқдалар. 4 ноябрда корхонамиз беш йиллик топшириғини бажарди. Ҳозир кўплаб ишчилар ўн биринчи беш йиллик ҳисобидан маҳсулот топширмоқдалар.

Нашриёт партия комитети топширилган иш учун ҳар бир коммунистнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бераяпти. Партком йиғилишларида коммунистлар ўзлари бажараётган ишлар ҳақида мунтазам ҳисоб бериб борадилар. Партия йиғилишларида кўпчиликни қизиқтирган масалалар ишчанлик билан муҳокама қилинмоқда.

Корхонада иш суръатини яна ҳам ошириш мумкин. Лекин ҳом ашё таъминотининг қониқарсизлиги бунга ҳалал бераяпти. Айни пайтда янги қувватларни ишга туширишда ҳам «Главташкентстрой» қурилиш ташкилотлари сусткашлик қилмоқдалар. Бунга янги газета корпуси, қурилиши мисол бўла олади. Бу объект учун ажратилган маблағнинг бу йил ярми ўзлаштирилди холос. Район партия комитети қурилиш ишларини зимдан яхшилаш чораларини кўриши керак.

В. И. Ленин номли электрон-техника заводи директори В. Г. Мушкарев корхонани юксак рентабелли хўжаликка айлантириш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида гапирди. «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси директори О. Қодирова давлат Сифат белгисини олган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш соҳасидаги тажрибаларни ўртоқлашди. Ҳозирги кунда чеварлар тикиб чиқараётган маҳсулотларнинг 50 процентига давлат Сифат белгиси берилган. Маҳсулот сифатини ошириш учун бошланган мусобақада ҳамма ишчилар иштирок этяпти. Мусобақада эришилган ютуқлар учун корхона ВДНХ дипломи билан тақдирланди. Бундан ташқари, янги ўрнатилган ускуналар, технологик линиялар маҳсулот сифатини оширишда кўл келмоқда.

«Учқун» тўқимачилик галантерея бирлашмаси партия комитетининг секретари Н. Е. Торшилова КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисидаги» қарори асосида корхонада бажарилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Ҳозир ишчиларнинг 75 проценти сиёсий ва иқтисодий ўқув формаларига жалб этилган. Коммунистик онгни тарбиялашда сиёсий мактаблар яхши самара бераяпти. Кўпгина тингловчилар КПСС XXVI съезди шарафига ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилганлар.

Партия комитети идеология кадрларини тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Улар учун махсус учрашувлар уюштириляпти, методик кўлланмалар тақдим этиляпти. Бу тадбирлар идеология ишлари самарадорлигини оширишга ёрдам бераяпти.

Конференцияда сўзга чиққан Тошкент пассажир станцияси бошлиғи Н. Усмонов, Октябрь революцияси номли тепловоз-ремонт заводи бригада бошлиғи, Узбекистон ССР Олий Совети депутати Н. М. Железнов ва бошқа ўртоқлар ҳам социалистик мусобақанинг тарбиявий ролини оширишга, хўжалик ва сиёсий ишлар бирлигини таъминлашга зиммадаги юксак мажбуриятларнинг бажарилишига ёрдам берувчи таклифларни ўртага ташладилар.

Конференцияда район партия комитети, район партия ташкилоти ревизия комиссиясининг янги состави, Тошкент шаҳар ва Тошкент область партия конференцияларига делегатлар сайланди.

Конференцияда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари Б. Г. Халилов нутқ сўзлади.

Конференция ишида Узбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Р. Х. Абдуллаев, Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири О. З. Зуфаров иштирок этдилар.

* * *

Ленин район партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида **Ю. А. Чурсин** район партия комитетининг биринчи секретари, **Т. Х. Ҳайдаров** район партия комитетининг иккинчи секретари, **И. И. Меньникова** район партия комитетининг секретари қилиб сайландилар.

Ж. НОСИРОВ.

ЛЕНИН

БУЮК МУТАФАККИР ВА РЕВОЛЮЦИОНЕР

Ф. ЭНГЕЛЬС ТУҒИЛГАН КУНГА 160 ЙИЛ ТЎЛДИ



Илмий коммунизм асосчиларидан бири, халқаро пролетариатнинг йўлбошчиси ва устози Карл Марксниг сафдоши ва дўсти Фридрих Энгельс туғилган кунига 160 йил тўлди.

Фридрих Энгельснинг бутун ҳаёти ва кўп қиррали революцион фаолияти инсониятнинг кўп асрлик тарихи солномасининг энг ёрқин ва салмоқли саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилган.

В. И. Ленин айтганидек, Энгельс Марксдан кейин «бутун маданий дунёдаги ҳозирги замон пролетариатининг энг яхши олими ва устози эди». Халқаро ишчилар ва коммунистик ҳаракат тарихида, илмий коммунизм тарихида Энгельснинг номи Маркс номи билан чамбарчас боғлангандир. Ф. Энгельс Маркс билан биргаликда барча меҳнаткашлар озодлиги учун толмас курашчи бўлиб етишди, ўзининг гениал тафаккури, ақл-идроки, кучқудратини олижаноб бир мақсадга — ишчилар синфининг сиёсий онглилигини ўғотиш ва ривожлантиришга, дунёни коммунистик асосларда революцион қайта ўзгартириш учун курашга сарфлади.

Ф. Энгельс ёшлик чоғларидаёқ капитализм томонидан шафқатсиз эксплуатация қилинаётган меҳнаткашларнинг оғир аҳволига ниҳоятда ачинди, революцион демократ позициясидан социализм позициясига қатъиян ва узилкесил ўтиб, ичил материалист бўлиб етишди.

Биринчи публицистик асари «Вупперталдан хатлар»идаёқ 19 ёшли Энгельс Англиядаги фабрика ишчиларининг ҳуқуқсизлиги, оғир меҳнати, оч-ялангочлигини кўрсатиб, фабрикантларнинг бебошлигини фош этди. Англиянинг йирик ва саноат марказларидан бири — Манчестер шаҳрида яшаб, ишчилар яшайдиган кварталларни кезиб, уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишади. Инглиз пролетариати аҳволига доир махсус материаллар ва ҳужжатларни ўрганиб, 1845 йили «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» деган китобини ёзди.

Энгельс бу асарида Маркс билан бир даврда капитализм гўркови, янги, коммунистик жамиятнинг ижодчиси — пролетариатнинг жаҳоншумул-тарихий миссияси тўғрисида муҳим хулосага келди. Ўтган асрнинг 40-йиллари бошларига келиб, Маркс билан Энгельс бирбирига тез-тез хат ёзишиб турдилар ва бевосита алоқа боғладилар. Бу муносабатлар кейинчалик мисли кўрилмаган дўстлик ва ҳамкорликка айланиб кетди.

Маркс-Энгельснинг буюк революцион таълимоти бўлган марксизм капитализмнинг антагонистик зиддиятлари жуда чуқурлашиб кетган ва пролетариат тарих саҳнасига ҳақиқий сиёсий куч бўлиб чиққан вақтда изчил ва яхлит революцион дунёқараш бўлиб таркиб топди.

1844 йили ёзида Энгельс Парижда Маркс билан биринчи марта учрашди. Шундан бошлаб улар қарийб қирқ йил биргаликда пролетариат озодлиги учун ҳормай-толмай кураш олиб бордилар.

Ун йилдан ортиқ давр мобайнида Маркс ва Энгельс биргаликда «Муқаддас оилачилик», «Немис идеологияси», «Фалсафа қашшоқлиги» каби машҳур асарларини ёздилар. Бу асарларда уларнинг социализм тўғрисидаги таълимотлари шаклланди.

1848 йили Маркс ва Энгельснинг гениал асари — «Коммунистик партия Манифести» майдонга келди. Улар бу асарни ишчилар синфининг биринчи халқаро ташкилоти бўлган Коммунистлар Союзининг топшириғига биноан ёзган эдилар. «Манифест» марксизмнинг программ ҳужжати, жаҳонда биринчи Коммунистик партиянинг биринчи программаси бўлди. Марксизм қурашаётган пролетариатнинг яхлит ва изчил дунёқараши бўлиб қолди.

Ф. Энгельснинг қаламига мансуб бўлган ғоят муҳим илмий асарлари — «Анти-Дюринг», «Табиат диалектикаси», «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши», «Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» ва бошқалар марксистик философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм масалаларига бағишланган.

Карл Марксниг капитализм ҳалокати ва ишчилар синфи ғалабаси муқаррарлигини исботлаган гениал асари — «Капитал»ни яратишда ва нашр этишда ҳам Энгельс ҳар томонлама кўмаклашган.

Марксизмнинг бирорта ҳам проблемаси йўқки, Энгельс унга ўзининг жиддий иссасини қўшмаган бўлсин. Айниқса, илмий коммунизм ғояларини ёйишда ва уни ҳар қандай ўнг ва «сўл» ревизионистлар томонидан бузиб кўрсатишдан ҳимоя қилишда Энгельснинг хизматлари буюкдир.

Маркс ва Энгельс илмий социализмни пролетариатнинг озодлик кураши билан боғладилар. 1864 йилда улар тузган 1 Интернационал пролетар революционерларини тарбиялашнинг биринчи мактаби, пролетар партиясининг куртаги бўлди. Маркс каби Энгельс ҳам ишчилар синфининг интернационал табиатини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмади.

Энгельс Маркс билан бирга ярим асрдан кўпроқ вақт давомида революцион назарияни ривожлантирдилар ва такомиллаштирдилар. Лекин, у одатда «Марксга ёрдамчи бўлиб ишладим» деб камтарлик қилар эди. Аслида, Маркс номи билан аталган революцион назарияни ривожлантиришда, марксистик философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, тиббиёт илмига оид қатор туб масалаларни мустақил ишлаб чиқиш ва асослаб беришда Ф. Энгельснинг хизмати улкандир.

Шунинг учун ҳам улуғ Ленин ҳақли равишда «Энгельснинг ҳамма асарлари назарга олинмас экан, марксизмни тушуниш ва уни яхлит баён қилиш мумкин эмас», деган эди.

Энгельс ўз буюк дўсти — Марксниг шахсий архивини, қўлёзма меросини кўз қорачиғидек сақлаб, унга меҳр билан қараганлиги учун ҳозирги ва келажак авлод ундан абадий миннатдор. Бу қимматбаҳо мерос сақланганлиги, ўрганилганлиги, Энгельс ҳаётлигида қисман эълон қилинганлиги учун ҳам инсоният Энгельсдан миннатдор бўлиши керак.

Энгельс Карл Маркс вафотидан кейин халқаро ишчилар ҳаракатида вужудга келган хавфли оқим-оппортунизм ва ревизионизмга қарши муросасиз кураш олиб борди. У Бернштейн, Каутский ва II Интернационал бошқа оппортунист лидерларининг ревизионистик хатоларига кескин қарши чиқди, уларга зарба берди.

Маркс каби Энгельс ҳам Россия халқларининг тарихий тақдирига жуда қизиқ-ди. Энгельс Россия тарихини яхши ўрганиб, худди Маркс сингари Россия улуғ халқ революцияси арафасида турганлигига, бу революция жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлишига ҳеч шубҳа қилмаган эди.

Фридрих Энгельс ҳаётининг сўнгги йилларида К. Маркс ва Ф. Энгельс таълимотининг улуғ давомчиси В. И. Ленин тарих саҳнасига чиқди. Ленин марксизмни революцион таълимот сифатида сақлабгина қолмай, уни ижодий ривожлантирди, янги гениал хулосалар билан бойитди. Ленин тузган ва вояга етказган янги типдаги партия — большевиклар партияси раҳбарлигида Россияда Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Ленин дунёда биринчи социалистик давлатга асос солди.

СССРда ривожланган социализмнинг ғалабаси, жаҳон социализм системасининг ташкил топиши марксизм-ленинизмнинг буюк тантанасидир.

Маркс ва Энгельснинг социалистик жамият тўғрисидаги илмий башоратлари бизнинг мамлакатимизда рўёбга чиқмоқда.

М. КАМОЛОВ,
Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти, тарих фанлари кандидати.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ТОШКЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТУНИСДА

ТУНИС, 26 ноябрь. (ТАСС). Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ранси В. О. Козимов бошчилигидаги Тошкент шаҳар делегацияси Тунисга келди.

Биродарлашган Тошкент ва Тунис шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик программасига мувофиқ бу ерга келган делегация составида Совет Ўзбекистони пойтахти жамоатчилигининг вакиллари, фан ва маданият ходимлари бор. Тунис шаҳрининг мэри Закария бин Мустафо Тошкент вакилларини қабул қилди. Учрашув вақтида биродарлашган шаҳарлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Тунис муниципал театрида «Баҳор» ансамбли группасининг концерти билан бу ерда Ўзбекистон маданияти ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталикда фильмлар кўрсатилади, виставкалар ташкил этилади.

ИСТИҚБОЛСИЗ КЕЛАЖАК

БРЮССЕЛЬ, 27 ноябрь. (ТАСС). Келгуси йиллар ғарб мамлакатлари учун ҳар жиҳатдан мушкул йиллар бўлади, деди Брюсселга визит билан келган Франция Бош министри Р. Барр. У айтдики, 80-йилларда Ғарб экономикаси олдида, жумладан, энергетика танглиги, рақобатнинг кескинлашуви, валюта-молия беқарорлиги каби проблемалар, шунингдек планетада тинчликни сақлаб қолиш проблемалари кўндаланг бўлиб туради.

Р. Баррнинг сўзларига кўра, ҳозирги вақтда «умумий бозор» Япония халқаро бозорларида ғарбий Европанинг жиддий рақиби бўлиб иш кўраётганлиги факти билан тобора кўпроқ ҳисоблашишга мажбурдир.

Ғарбнинг ҳозирги пайтда мавжуд бўлган проблемалари ёнига, деб таъкидлади Бош министр, халқаро валюта бозорларидаги чигалликлар ва пулнинг қадрсизланиши ҳам қўшилди. Шу муносабат билан у пулнинг тобора қадрсизланиб бораётганлигига ғарбий Европа мамлакатларининг иқтисодий, шунингдек социал қийинчиликлари сабаб бўлаётганлигини уқтирди.

Келгусида, деди Р. Барр «умумий бозор» Европа Иқтисодий ҳамжамиятига янги аъзолар, жумладан, Испания ва Португалия кириши мўлжалланаётганлиги муносабати билан жиддий қийинчиликларга дуч келади.

ЕР ОСТИ СИЛКИНИШЛАРИ

РИМ, 26 ноябрь. (ТАСС). Якшанба куни фалокатли зилзиладан зарар кўрган жанубий Италияда кеча кечқурун ва бугун тунда янги ер ости силкинишлари қайд этилди.

Олинган дастлабки маълумотларга кўра, ер ости силкинишларининг кучи Потенца шаҳри районида, бу ерда қабул қилинган 12 балли шкала бўйича 8 баллга етган. Икки кун илгари шикастланган кўпгина уйлар қулаб тушди, Потенция шаҳри муниципал советининг бинаси вайрон бўлди. Янги ер қимирлаши натижасида Бриенц аҳоли пунктининг олдинги силкинишдан қолган бинолари ҳам яксон бўлди.

Ер ости силкинишининг такрорланиб туриши бино харобаларини йиғиштираётган ва улар остида қолган одамларни қутқариш билан шуғулланаётганларининг ишини қийинлаштирмоқда.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ДАКАР. Сенегал бош министри Абду Диуф Дакарда тўртинчи халқаро ярмаркани очди.

Ярмарка ишида Европа, Осиё, Африка ва Америкадаги 40 мамлакатнинг 500 дан ортиқ саноат ва савдо фирмалари қатнашмоқда. Ярмарканинг доимий иштирокчиси — Совет Иттифоқининг павильони жуда кўп томошабинларнинг, савдо-саноат доиралари вакилларининг эътиборини ўзига жалб этмоқда.

ВАШИНГТОН. АҚШ меҳнат министрлигининг бу ерда эълон қилинган маълумотларида айтилишича, октябрь ойида Қўшма Штатларда истеъмол молларининг нархи яна 1 процент ошган. Ўтган йилнинг октябрь ойидан буён бу нархлар 12,6 процент кўтарилган.

Министрликнинг маълумотларида таъкидлаб ўтилишича, ўтган ойда аввало озиқ-овқат маҳсулотлари ва уй-жой ҳақи қимматлашган. Қимматчиликнинг авж олиши америкаликлар реал даромадларининг янада камайишига сабаб бўлди.

(ТАСС).

Эфиопияда қочоқлар масаласи фавқулодда актуал бўлиб қолди. Сомали қўшинлари агрессив ҳаракатлар билан Огоден шаҳри аҳолисини чегарадан ҳайдаб чиқардилар. Суратда: эфиопиялик қочоқлар.

А. Крилович фотоси. (ТАСС).

XVII ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ IV СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ 1980 ЙИЛДАГИ ИШИ ҲАҚИДА ҲИСОБОТ

Халқ депутатлари Тошкент область Совети таъкидлайдики, ижроия комитет КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди, юқори партия ва совет органларининг, Советнинг қарорларига амал қилиб ўз фаолиятини областни иқтисодий ва социал ривожлантириш плани ва 1980 йил учун олинган социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлашга йўналтирди.

Область саноати беш йилликнинг бошидан бери пландан ташқари 263,7 миллион сўмлик маҳсулотни реализация қилди, давлат Сифат белгиси берилган маҳсулотларнинг салмоғи 12,5 процентни ташкил этди.

Капитал қурилиш катта ҳажмларда олиб борилмоқда. Шу йилнинг ўн ойи мобайнида 362,5 миллион сўмлик давлат капитал маблағи ўзлаштирилди, 200 минг квадрат метрга яқин турар-жой қурилди ва фойдаланишга топширилди. Янги мактаблар, мактабгача тарбия ва даволаш муассасалари бунёд этилди.

Барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини давлатга сотиш планлари муддатидан илгари бажарилди.

Пахтакорлар ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Улар 480 минг тоннадан кўп «оқ олтин» тоширдилар, бу эса белгиланган ҳажмдагидан анча кўпдир.

Аҳолига транспорт воситалари ва алоқа ҳизмати бир мунча яхшиланди, товар оборoти ҳажми, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кўпайтирилди. Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, кинофикация, жисмоний тарбия ва спорт янада ривожлантирилди.

Область бўлим ва бошқармаларига шаҳар ва район ижроия комитетлари фаолиятига раҳбарлиги янада конкретлашди, уларнинг хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этишда роли ва масъулияти ошди.

Область ижроия комитети фаолиятида маҳаллий Советлар ишининг услуб ва методларини такомиллаштириш муҳим ўринни эгалламоқда, ижроия комитетнинг сессиялари ва мажлисларининг роли ошди, перспектив ва жорий планлаштириш яхшиланди. Ижрони назорат қилишни такомиллаштириш, маҳаллий Советлар, доимий комиссиялар иш тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш, кадрлар ўқувини ташкил этиш ва сайловчилар наказларини бажариш юзасидан бирмунча ишлар қилинди.

Шу билан бирга халқ депутатлари область Совети таъкидлайдики, область Советининг ижроия комитети унинг бўлим ва бошқармалари ташкилотчилик ишларини кучайтиришда мавжуд резервлар ва имкониятлардан ҳали тўла фойдаламаяптилар. Областда айрим саноат корхоналари тасдиқланган планларни уддалай олмаяптилар, сифат кўрсаткичлари бўйича қолоқликка йўл қўймоқдалар.

Капитал маблағлар суст ўзлаштириляпти. Айрим қурилиш трестлари план-топшириқларини комплекс бажарилишини, объектлар қурилиши норматив муддатларга риоя қилинишини, уларнинг бир маромда фойдаланишга топширилишини таъминламаяптилар.

Коммунал, маиший хизмат, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи, маданият органларининг иш савияси ҳали ҳам ҳозирги талабларга мувофиқ эмас.

Область бўлим ва бошқармалари, район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари раҳбарлари халқ хўжалигини комплекс ривожлантиришнинг муҳим проблемалари билан етарли даражада шуғулланмайдилар, баъзи мансабдор кишиларнинг план ва ижро интизомини бузишлари билан муросасозлик қиладилар.

Область Советлари, уларнинг ижроия комитетларининг барча хўжалик ва маданий қурилиш масалаларини ҳал этиш, кадрларни тарбиялаш ва уларнинг тоширилган иш учун масъулиятини ошириш соҳасидаги ташкилотчилик ишини янада яхшилаш талаб этилади.

Халқ депутатлари Тошкент область Совети **қарор қилади:**

1. Халқ депутатлари область Совети ижроия комитетининг 1980 йил фаолияти маъқуллансин.

2. КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қонда ва хулосалар, шунингдек, «Ўзбекистон ССР халқ депутатлари область Совети тўғрисида» янги Қонун талаблари асосида ташкилотчилик ишини янада кучайтириш область Совети, ижроия комитети унинг бўлим ва бошқармаларининг, халқ депутатлари район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

3. Область, район ва шаҳар Советлари ижроия комитетлари, уларнинг бўлим ва бошқармалари зиммасига:

— область халқ хўжалиги барча тармоқларини янада ривожлантириш учун амалий чоралар кўриш, КПСС XXVI съезди шарафига меҳнаткашларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини, халқ оммасининг ватанпарварлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш ва кенг ёйиш;

— ҳамма жойда айрим корхоналар ва ташкилотларнинг белгиланган топшириқларни бажармаётганликлари сабабларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш кувватларини тўла ўзлаштириш, ишни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, тежамкорлик режимини кучайтириш, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга тўсқинлик қилаётган сабабларни бартараф этиш учун керакли тадбирлар белгилаш, шу асосда, 1980 йил ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини сўзсиз бажариш ва ошириб бажариш;

— маблағлардан самарали фойдаланиш, қурилиш сифатини яхшилаш ва муддатларини қисқартириш учун қурилиш ташкилотлари раҳбарларига талабчанликни ошириш, пул ва моддий ресурсларни ишга тушириладиган энг муҳим қурилиш участкаларида жамлаш, маблағларни ўзлаштириш, пландаги объектларни ўз вақтида фойдаланишга топириш, лойиҳа-смета ҳужжатлари, пул билан таъминлаш, ускуналарни етказиб бериш масалаларини вақтида ҳал этишга эришиш;

— транспорт, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш, коммунал-маиший ва медицина хизмати корхоналари ишини янада ривожлантириш ва сифатини ошириш, меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларини тўлароқ қондириш;

— халқ маорифи органлари, маданий-оқартув муассасалари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг самарали тадбирларини белгилаш ва уларнинг ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин.

4. Область ижроия комитети, область қишлоқ хўжалик органлари ва район ижроия комитетларига:

— КПСС Марказий Комитетининг июль (1978 йил) ва октябрь (1980 йил) Пленумлари қарорларида баён қилинган вазифаларни амалий жиҳатдан бажаришга алоҳида эътибор берилгани ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш учун изчил кураш олиб борилсин. Шу мақсадда деҳқончилик маданиятини ошириш, қишлоқ хўжалик воситаларидан, ем-хашак, техника ва ўғитдан янада унумли фойдаланиш учун конкрет тадбирлар амалга оширилсин. Алмашлаб экиш, механизацияни жорий этиш, сув хўжалиги қурилиши юзасидан область ижроия комитети белгилаган тадбирлар ҳамда 1981 йил ҳосили учун кузги қишки тадбирларнинг бажарилиши таъминлансин.

Қорамоллар боқишни, парандалар сони ва маҳсулдорлигини янада кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва давлатга сотиш, жамоат чорвачилиги мустаҳкам емхашак базасини яратиш учун барча чоралар кўрилсин.

5. Область, район, шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларига:

— 1981 йил—XI беш йилликнинг биринчи йили план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва бошқаришнинг услуб ва методларини узлуксиз такомиллаштириб бориш;

— халқ хўжалиги ва социал-маданий қурилишни ривожлантиришнинг актуал масалаларини ҳал этишда барча ташкилий-оммавий ишлар савиясини янада кўтариш, Советлар сессияларининг, доимий комиссиялар, депутатлар ва активларнинг ролини ошириш юзасидан тадбирлар белгилаш;

— барча бўғинларда меҳнат, давлат ва план интизомини мустаҳкамлаш, кадрлар тарбиялашни яхшилаш, уларнинг ижро интизоми ва топширилган иш учун масъулиятини ошириш, ишга ижодий ёндошишга алоҳида эътибор бериш;

— юқори партия ва совет органларининг шунингдек ўз қарорларининг ижросини назоратини ташкил этиш ва таъсирчанлигини ҳар томонлама ошириш;

—меҳнаткашларнинг хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш, гражданларни қабул қилиш ишини яхшилаш;

— сайловчилар наказлари, уларнинг таклифлари ва мулоҳазаларининг сўзсиз бажарилиши юзасидан зарур чоралар кўриш юклатилсин.

6. Халқ депутатлари область Совети ҳар бир депутат ўз ҳуқуқидан фойдаланиб, Совет ва унинг органлари қарорларини, сайловчилар наказларини, меҳнаткашлар ариза ва шикоятларини бажарилишига эришиши, Советлар фаолиятида актив иштирок этиши лозим деб ҳисоблайди.

* * *

Халқ депутатлари Тошкент область Совети, маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия комитетлари ва область депутатлари КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1980 йил) Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг IV сессияси, Ўзбекистон Коммунистик партияси XVIII пленуми, Ўзбекистон ССР Олий Совети II сессияси қарорларини амалга ошириш учун курашадилар, 1981 йил — ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб ишонч билдирадилар.

Область ижроия комитетининг ранси

Т. АЛИМОВ.

Область ижроия комитетининг секретари

А. МАНСУРОВ.

1980 йил, 17 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Тошкент область ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Т. А. Алимов бир группа ўртоқларга СССР ва Ўзбекистон ССР давлат мукофотларини топширди.

СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган Д. Ражабова, Н. Сатторова, Р. Шокирова, Қ. Усмонова, О. Мусаева ва бошқа бир қатор оналарга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширди.

Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг юридик консультанти Е. С. Мордухаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсаттан юрист» фахрий унвон берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, Г. С. Зайцев номидаги пахта селекцияси ва уруғчилиги Бутуниттифоқ илмий-текшириш институтининг катта технологи М. С. Канашга Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиғи топширилди.

Кўп болали оналар — К. Шамсиева, У. Асилбекова, О. Маткарова ва У. Душановалар I, II, III даражали «Оналик шуҳрати» ордени ҳамда К. Нортожиева, М. Носировалар «Оналик медали» билан тақдирландилар.

Узоқ йиллар самарали меҳнат қилганликлари учун Ўрта Чирчиқ район шифохонасининг ҳамшираси Ҳ. Исҳоқова, «Труд» фабрикасининг ишчиси М. Макаров, Калинин район халқ судининг раиси Ю. Пирматов ва бошқа кўпгина ўртоқлар «Меҳнат ветерани» медалларини олишга сазовор бўлдилар.

С. ВОҲИДОВ,
Тошкент область Совети ВДНХ ва мукофотлар бўлимининг мудири.

ЛАБОРАТОРИЯ ИШ БОШЛАДИ

Пискент районидаги 1-Пискент совхозининг 4-бўлимида янги қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашувчи лаборатория иш бошлади. Лаборатория биноси 10 хонадан иборат бўлиб, бу ерда ишлаш учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган. Лаборатория замонавий фан-техника ютуқлари асосида жиҳозлантирилиб, малакали мутахассис кадрлар билан таъминланган.

Ҳозирги долзарб паллада агроном С. Эргашев, ходимлардан В. Сайфуллин, моторист А. Туралисов ва лаборант М. Раимжоновалар барча куч ва имкониятларини зараркунандаларга қарши курашга қаратганлар.

Х. МИРСОЛИЕВА.

ТАРИХЧИЛАР АНЖУМАНИ

Кеча Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтида «СССР педагогика олий ўқув юртларида тарих фанлари ўқитилишини такомиллаштириш проблемалари» мавзуида Бутуниттифоқ илмий-амалий конференцияси иш бошлади. Шу муносабат билан институт тарих факультетининг декани, тарих фанлари доктори, профессор Д. ОЛЛОМУРОДОВ қуйидагиларни гапириб берди.

Институтимизнинг Бутуниттифоқ илмий конференцияси ўтказиладиган база қилиб танланиши бежиз эмас. У Ўрта Осиёдаги энг йирик педагогика олий ўқув юртларидан ҳисобланади. Бу ерда педагогларнинг катта коллективи меҳнат қилади. Педагоглар составининг ярмига яқини фан кандидатлари, фан докторлари ва профессорлардир.

Икки йилдирки, билим даргоҳимиз социалистик мусобақа якунлари бўйича СССР Маориф министрлиги, маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланмоқда.

Институт тарих факультетининг педагогик коллективи ҳам ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга, илмий-тадқиқот ишлари сифати ва самарадорлигини оширишга ўзининг маълум ҳиссасини қўшиб келаётир.

Факультетимизнинг СССР тарихи, Ўзбекистон тарихи, қадимги дунё ва ўрта асрлар тарихи, янги ва энг янги тарих, тарих ва жамиятшунослик ўқитиш методикаси, совет ҳуқуқшунослиги кафедраларида тўрт фан доктори, 41 фан кандидати ва 60 дан ортиқ ўқитувчи фаолият кўрсатмоқда.

Улар сўнгги вақтларда илмий-тадқиқот натижаларини таълим-тарбияга жорий этишга катта аҳамият бермоқдалар. Олимлар ўқув методикаси адабиётини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича диққатга сазовор ишлар қилмоқдалар. Профессор З. Р. Нуриддиновнинг «Ғарб мамлакатлари энг янги тарихи», «Ғарб мамлакатлари энг янги тарихи тарихий очеркларн», доцент А. Саъдиевнинг «Мактабда тарихни ўқитиш методикаси», доцент А. Набиевнинг «Тарихий ўлкашунослик», доцент Х. Бекмуҳамедовнинг «Тарихий терминларнинг маънавий луғати» дарсликлари, ўқитувчилар коллективининг «Тарих ва жамиятшуносликни ўқитиш самарасини оширишнинг актуал масалалари», «Музей ўлкашунослик практикаси» ва бошқа қўлланмалари студент ёшлар ўртасида кенг тарқалган.

Конференцияни ташкил этиш ва ўтказишга катта ҳозирлик кўрилди. Унга факультетимиз педагогик коллективи ва студентлари ҳам зўр ташаббуслик ҳамда тайёргарлик билан келдилар.

Уч кун давом этадиган бу конференцияда Москва, Ленинград, Киев, Минск, Кишинев, Новосибирск, Красноярск, Калининград, Хабаровск шаҳарлари, Ўрта Осиё ва бошқа қардош республикалардан 690 киши иштирок этади. Унда 210 киши доклад ва ахборотлар билан чиқади.

Анжуман иштирокчилари СССР Маориф министрлиги ўқув юртлари бошқармасининг бошлиғи В. К. Розовнинг «КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Олий мактабни янада ривожлантириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш тўғрисида»ги қарори асосида педагогик таълимни такомиллаштириш ва янада ривожлантиришнинг актуал проблемалари» мавзуидаги докладини тинглайдилар.

Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари Н. Р. Ҳаҳмонов, ўз докладида ҳозирги замон босқичида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш масалаларига тўхталади. СССР Маориф министрлиги илмий-методик совети раиси А. Л. Нарочницкий эса педагогика институтлари учун тарих бўйича ўқув планлари ва программаларини ёритиб беради.

Докладчилар орасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети қошидаги партия тарихи институти директори Х. Т. Турсунов, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректори С. П. Турсунмуҳамедов, В. И. Ленин номидаги Москва Давлат педагогика институти тарих факультетининг декани Э. М. Шчагинлар ҳам бор.

Институтимизда ўтадиган бу катта анжуман мамлакатимиз педагогика олий ўқув юртларида тарих фанларини ўқитиш самарадорлигини ошириш йўлидаги янги қадам бўлади, албатта. Тарих фани ва тарих, жамиятшунослик ҳамда ҳуқуқ ўқитиш методикаси актуал проблемаларининг муҳокама қилиниши олий педагогика ўқув юртларида илмий тадқиқот ишларини янада ривожлантириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ МИРТЕМИР ТУҒИЛГАН КУННИНГ 70 ИЙЛЛИГИГА

ОНА-ДИЁР КУЙЧИСИ

У Қоратоғ этакларида, кўҳна Туркистон бағридаги Иқон қишлоғида туғилди. Ўз қишлоғида атиги ўн бир йил яшади. Сўнг Тошкентга келиб, дастлаб Алманй номидаги мактабда, кейин ўзбек эрлар билим юртида таълим-тарбия олди. Шу даврдан бошлаб унинг қарийб бутун ҳаёти Тошкентда кечди. Лекин Қоратоғ этакларидаги кўклам тошқинларидан лабларини ҳўллаб олгувчи сойлар, қизғиш қирлар ва чексиз сайҳонлар, онда-сонда бир-бир учрайдиган музбулоқлар, тошқинлардан пайдо бўлгувчи кўллар унинг хотирасидан кечмади. Аксинча, шоир ана шу ўлканинг бокира табиатини, кишиларининг қадоқли кўлларини, юрак дардларини куйлаш жараёнида ўз овозини, ўз мавзуини, ўз қаҳрамонларини топди.

Шоир зоти одатда ўз туйғуларини, кечинмаларини, ўз қалбининг манзараларини ифодалайди. Миртемир ижодида ҳам қалб замзамаларини куйловчи шеърлар оз эмас. Лекин у кўпроқ халқ ҳаётининг манзараларини, халқ қалбининг жилваларини чизади. Унинг ижоди халқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ, бениҳоя халқчил ва содда. У ўз ижоди билан ўзбек шериятида Некрасов анъаналарининг, ўзбек демократик — маърифатпарварлик адабиёти анъаналарининг ривож топишига, шериятимизнинг халқ ҳаёти билан янада яқинлашишига муносиб ҳисса қўшди.

Миртемир ўз тенгдошларидан ҳаётни ўзгача кўриш, идрок этиш ва акс эттириш услуби билан ажралади. У оддий халқ ҳаётини, заҳматкаш кишилар дилини яхши билади. Шу кишиларнинг руҳий ва маънавий оламини тасвирлаш орқали даврнинг ғоявий бойлигини, мураккаблигини гавдалантиради. Миртемир оддий кишиларнинг ҳаёти ва руҳиятини, халқ удумлари ва анъаналарини, тили ва фольклорини нозик ҳис этади. У халқ эртаклари, мақол ва маталлари, қўчирмаларини яхши билади. Унинг тили бошқа барча шоирларимизга нисбатан халқ тилига яқин. У ҳатто шева доирасида қолиб, ҳали адабий тил хазинасига келиб қўшилмаган сўз ва ифодаларни ҳам ўз асарларининг бадиий қурилмасига дадил олиб киради.

Миртемирнинг ўзига хос, такрорланмас бадиий оламини худди шу фазилатлар белгилаб ва ифодалаб келади.

Миртемир асарларида тасвирланган кишилар — Ленин замонаси туфайли диллари чароғон бўлган, ўзлари эса ҳаётни фаровон этаётган сиймолардир. Шоир ана шундай сиймолар ҳақида сўзлаб, «Ҳа, дунёнинг кўрки инсон-да, инсон!» деб ҳайқиради. Уларни куйлайди, улар дилига «знё тўкмиш» замонни ардоқлайди. Худди шу ҳол Миртемир ижодининг етакчи фазилатини ташкил этади. Шунинг учун ҳам шоир баралла ёзган эди.

Ўз эркининг эгаси —
Инсонга ошиқлигим
Элимга сир эмас-ку
Ўша қирчин ёшимдан.
Заминга ошиқлигим —
Замонга ошиқлигим
Ўлгунча барқ уради
Ҳар зум ичу тошимдан.
Зар сочгувчи дарёмдай
Даштларга дармон
бўлгум.
Жуманбулбул бобомдай
Қўлда соз билан ўлгум.

Шоир ўзининг бу онтига содиқ қолди. У сўнгги мисраларига қадар замонини, юртдошларини улуғлаб, уларга бўлган беадад меҳрини ўз шеърларининг ҳар бир ҳужайрасига обдон сингдирди. Миртемирнинг инқилобга, партияга, Ленинга бағишланган шеърларида, халқлар дўстлиги ғояларини тараннум этувчи асарларида ана шу меҳр айрича бир жилва бериб туради.

Шеър Миртемир наздида тошқин самимияти билангина эмас, «ўз мавзуининг тутилмаганлиги, мазмуннинг бойлиги ва бегуборлиги» билан ҳам учқур қанотга эга бўлади. Миртемирнинг «Ленин жилмайиши», «Қорақалпоқ дафтари» каби шеърий туркумларига, «Излаганим», «Ёдгорлик» каби тўпламларига кирган энг яхши шеърлар бу фикрнинг одиллигини яна бир бор тасдиқлайди.

Ҳар қандай шоир ҳамиша изланишда, ўқиш ва ўрганиш иқлимида яшаши керак. Миртемир ва унинг тенгдошлари ижод бўсағасига кириб келган кезларда ўзбек бадиий маданияти ҳали жаҳон адабиётининг шоҳона асарлари билан бойимаган эди. Бугун Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Зулфия, Асқад Мухтор каби билимдон санъаткорлар ва уларнинг издошлари туфайли жаҳон адабиётининг, шунингдек қардош халқлар адабиётларининг аксар дурдоналари ҳам ўзбек китобхонининг мулки бўлиб қолди. Миртемир ўз халқининг маънавий хазинасини бошқа халқлар маданияти намуналари билан бойитишдек муқаддас ишга ҳам улкан ҳисса қўшди. Бу кун биз Руставели ва Насимий, Пушкин ва Лермонтов, Крилов ва Некрасов, Гейне ва Тагор, Абай ва Бердақ, Нозим Ҳикмат ва Пабло Неруда сингари ўнлаб классик санъаткорларнинг энг яхши асарларини Миртемир таржимасида ўқиймиз. Унинг аксар таржималари маданий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Агар Миртемир фақат таржимон бўлган тақдирда ҳам у маданиятимиз тарихида бир умрга қолган бўларди.

Миртемир ижодининг уфқи бениҳоя кенг. Эллик йилдан мўлроқ ижодий ҳаёти мобайнида у шеъриятнинг барча жанрлари ва услубий йўналишларида қалам тебратди.

Миртемир ўзининг сўнгги шеърларининг бирида шеъриятни бебаҳо жомга қиёс қилган эди:

Майли, шу жомни ҳам
ичай паймона,
Кексалик гаштини сурай
то бекам.
Шеърларимда жилва
қилсин замона,
Юртим мадҳи бўлсин
сўнгги сатрим ҳам...

Ҳа, унинг шеърларида Ленин зиёси билан, Октябрь зиёси билан, адолат ва саодат зиёси билан нурланган замона жилва беради. Унинг шеърларида янги дунё бўлган кишилар қомат кериб туради.

...У Қоратоғ этакларида, кўҳна Туркистон бағрида туғилди.

«Миртемирнинг ўзи аслан чўнгликдан — юксак Қоратоғнинг яғринидан отилиб чиқиб, тошқинли дарёларнинг бешик-бешик тўлқинлари устида одимлаб ҳаётга киргандай...», деб ёзган эди ардоқли шоирамиз Зулфия. Бу самимий сўзларни давом эттириб, унинг ўзи ўзбек адабиётига Қоратоғдай юксак, тошқин дарёлардай тўлқинли, миртемирона янгироқ шеърини олиб кирди, дейиш мумкин.

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари кандидати.

ИЛК ХОТИРА

Мен азиз инсон, бениҳоя камтарин педагог-шоир Миртемир билан беш йил бир ўқув юртида таҳсил кўрганман, бир ётоқда истиқомат қилганман, бир курсда ўқиб, уни бир вақтда тугатганман. Ёшлик, талабалик даврида билим асосларини эгаллашдаги муносабатларимиз бизларнинг келгусидаги дўстлигимизга замин ҳозирлади. Менинг бу мўътабар инсонга бўлган эҳтиромимни оширди.

...1925 йил. Куз. Ўлка ўзбек эрлар билим юртида ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолган. Инқилоб хиёбони (сквер)нинг ҳар ер-ҳар ерида узоқ-яқинлан Тошкентга ўқишга келган болалар тўпланишиб нималарнидир суҳбатлашмоқда. Ҳамманинг фикри-зикри ўқишда, билим юрти талабаси бўлиш орзусида.

Мен Миртемир билан дастлаб ана шу ерда танишдим. У менга мурожаат қилиб, қаердан келганлигимни, имтиҳондан қандай баҳолар билан ўтганлигимни сўради.

Ўқиш давомида бизлар бир-биримиз билан доимо иноқ, дўст бўлиб яшадик. Бирга дарс тайёрлашардик, бирга ликда жамоат ишларини бажарардик, сайр қилардик. У китоб ўқишни яхши кўрарди, чинакам китобсевар эди. Доимо унинг қўлида бирор китоб, газета ёки журнални кўриш мумкин эди.

Миртемир жуда хушмуомалали, ҳеч қачон бақириб-чақириб гапирмасди, ҳеч ким билан уришмасди; ўзига ортиқча зеб бермасди; оддий кийиниб, озода юрарди. У жуда тартибли ва интизомли эди. Синфга, ётоқхона ва ошхонага навбатчи бўлгудек бўлса, доимо мақтовга сазовор бўларди. Ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажарарди.

Миртемир ёзиш-чизишдан зерикмасди. Кичик-кичик шеър ва лавҳалар битишни яхши кўрарди, бу борада кўп машқ қиларди. Баъзан кечалари ётоқхонадан чиқиб, коридорда ёки залда нималарнидир машқ қиларди. Гоҳо, гоҳо синф доскасига ҳазиломуз шеърий мисралар ёзиб қўярди. Қандай предметга оид дафтари бўлмасин, унинг ҳошиясида, албатта, бир неча сатр шеър ёзилган бўларди. Мажлисларда, турли йиғиларда, кечқурунлари синфда дарс тайёрлаган вақтларда ўз яқинларига 3—4 сатр шеър ёзиб узатиш одати ҳам бор эди... Бу эса Миртемирнинг адабиётга, шеъриятга ғоят қизиқ қанлигидан далолат берарди.

Миртемир адабий мунозара ва суҳбатларга зўр қизиқиш билан қатнашарди. У институт адабий ҳаётининг пешқадамларидан эди. Адабиёт тўгараги машғулотларига, «Ёш куч» ва «Шапалоқ» деворий газеталарига актив қатнашиб турарди.

Миртемир, ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг содиқ фарзанди, истеъдодли ва баркамол шоири эди. У ўз куч-қувватини, кўз нурини, қалб кўрини, билим ва маҳоратини кишиларнинг таълим ва тарбиясига — чинакам санъат асарлари яратишга бахш этди. Унинг жўшқин ҳаёти ва баркамол ижодий фаолияти, шубҳасиз, ёшларимиз учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Биз — Маориф институтининг собиқ талабалари дўстимиз, курсдошимиз Миртемир Турсуновнинг ёркин хотирасини доимо қалбимизда чуқур эҳтиром билан сақлаймиз. Ўзбек маданиятининг йирик арбобларидан бири, оташин ватанпарвар, инсонпарвар ва интернационалист шоир, совет кишиларига хос энг яхши инсоний фазилатлар, ҳислатлар эгаси Миртемир билан, унинг баркамол ижоди билан фахрланамиз.

Тоҳир ЗУФАРОВ,
СССР Журналистлар Союзининг аъзоси, «Совет мактаби» журналининг масъул котиби.

Редактор ўринбосари
С. МУСАЕВ.

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАР КУРИГИ

ЧИРЧИҚ шаҳридаги саноат корхоналари ҳузурида бадиий ҳаваскорлик коллективлари фаолияти яхши йўлга қўйилган. Қатор корхоналарнинг ишчи ва хизматчиларидан ташкил топган бадиий ҳаваскорлик ансамблари шаҳар, область ва республика миқёсида бўлиб ўтган турли кўрик-конкурсларда ғолиб чиққан. Шунинг учун ҳам шаҳардаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати маданият саройида область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўриш бўлиб ўтди.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишлаб «Партия ҳақидаги қўшиқларни куйлаймиз» шнори остида ўтказилган бу кўрикда ўнлаб коллективлар иштирок этишди.

— Область кўригида ғолиб чиққан коллективлар республика конкурсида иштирок этади,— деди жюри раиси Ўзбекистон ССР халқ артисти Ф. Шамсуддинов.

Бир неча коллективлар ана шу ҳуқуқни қўлга киритишди.

●

ШИМОЛДА ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ

Қийғос очилиб, ўзидан хушбўй ҳид таратиб турган анвойи гулларни ким севмайди, дейсиз. Айниқса, табиат киш уйқусига кириб бораётган мана шу кунларда баҳор гулларининг чиройи яна бир карра ортган.

Тошкент шаҳар ижроия комитети манзарали боғдорчилик совхозининг теплицаларида айни кунларда анвойи гуллар қийғос очилган. Бу ерда етиштирилаётган маҳсулотлар фақат тошкентликларни хушнуд этиб қолмай, мамлакатимизнинг турли ўлкаларига жўнатилмоқда. Жумладан, шу кунгача Иркутск, Красноярск ва бошқа Сибирь шаҳарларига 18 минг донадан ортиқ гул жўнатилди.

Самолётдаги махсус қутиларга жойлаштирилган чиннигул, хризантема ва бошқа гуллар бир суткадан кейинроқ шимол шаҳарлари гул дўконларини безамоқда. Серқуёш ўлкамиз мўъжизасидан қардошларимиз ниҳоят хурсанд бўлаётирлар. Совхоз миришкорлари ой охиригача яна 20 минг дона анвойи гулларни ўлкамизнинг турли бурчакларига етказиб беришади.

●

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

Пойтахтимизда анъанавий кўзги кўкламзорлаштириш ва ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда. Ҳозиргача жамоатчилик кучи билан шаҳардаги маданият ва истироҳат боғларига, йўл чеккаларига, янги турар-жой микрорайонларига 1 миллион 58 минг дона турли манзарали ва мевали дарахтлар, гул кўчатлари ўтказилди.

Ойликда шаҳардаги барча район меҳнаткашлари фаол қатнашишляпти. Биргина шаҳар ижроия комитетининг уй-жой бошқармаси ходимлари 8 мингдан ортиқ турли хил дарахт кўчатларини ўтказдилар.

Кўкламзорлаштириш ойлиги муносабати билан пойтахтдаги колхоз бозорларида, гул дўконларида ва массивларда кўчат сотиш йўлга қўйилди. Бу савдо шохобчаларига Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидан, Фарғона, Андижон, Наманган областларидан кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етказиб берилляпти.

●

ҚУРУВЧИЛАР ҒАИРАТИ

Оржоникидзе районида кўплаб турар-жой ва маданий-маиший бинолар қуриб фойдаланишга топширилаётир. Биноларнинг сифатли ва пишиқ чиқишида Ўзбекистон қишлоқ қурилиши министрлигининг 23-қурилиш трестига қарашли 3-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорларининг хизмати катта бўлмоқда. Колонна меҳнаткашлари 1980 йилги қурилиш-монтаж ишларини ўн ойдаёқ ортиғи билан адо этдилар. Ўтган давр ичида 6084 квадрат метр турар-жой бинои, «Тошкент» паррандачилик фабрикасида 27 минг жўжага мўлжалланган янги комплекс ҳамда паррандачилик техникумн студентлари учун 400 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди.

Район аҳолиси қурувчилардан яна бир совға олдилар. 35 квартирали янги уйда ҳовли тўйлари ўтказилди. Йил охиригача яна 2 та ана шундай уйни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

Миртемир ёш ижодкорларнинг севимли устози, меҳрибон маслаҳатгўйи эди. У ёшларга ижодий тажрибасидан сўзлаб беришдан толмас, қимматли ўгит ва мулоҳазаларини аямасди. Суратда: Миртемир элга танилган шогирдлари — Абдулла Орипов, Иброҳим Юсупов ва Эркин Воҳидовлар билан.

С. Маҳкамов фотолари.

ЗАМОНДОШЛАР ЭЪТИРОФИ

Миртемирнинг номи эшитилиши биланоқ қирғиз адибларининг чеҳраси ёришиб, юзида самимий табассум пайдо бўлади. Ҳа, Миртемир бизга жонажон дўст, сирдош эди, камтарин, камсуқум, ажойиб инсон эди.

Чингиз АЙТМАТОВ.

●

Миртемирнинг ижоди давримиз кишиларининг қаҳрамонлиги, совет кишиларининг жанг ва меҳнат фронтидаги фидокорликларини акс эттиради.

ОЙБЕК.

●

Ажойиб ҳаётий, ишчан, доимо терлаб-пишиб меҳнат қиладиган, юракда янги илиқ ҳислар уйғотадиган меҳнаткаш ва меҳрибон поэзия бўлади. Буни танқидчилар гражданлик руҳидаги поэзия деб аташади. Миртемир аканинг поэзияси ана шундай.

Асқад МУХТОР.

●

Миртемир ёмонликка барҳам бериш йўлида халқлар кўрсатган жасоратни, мардликни бор овози билан куйлаган шоир.

Абдулла ТОЖИБОЕВ.

●

Миртемир домладек саховатли кишини учратмаганман, адабиётимизнинг оқсоқоллари сафида туриб, ҳамма оқсоқоллар билан қадрдон, ўрта авлоднинг кўпларига кафолот берган, кичик авлоднинг пешонасини силовчи мураббий бўлган.

МИРМУҲСИН.

●

Миртемир ака кўпни кўрган шоир. Унинг таржималари бениҳоя улкан ўринга эга. Миртемир эл дўстлиги билан адабиёт дўстлигининг жарчисидир.

Т. БОЙЗОҚОВ.

●

Миртемир — шеъриятнинг қаттиққўл, талабчан, меҳридарё боғбонларидан бири эди.

ЗУЛФИЯ.

●

Миртемир деганда кўз ўнгимда олижаноб, хушгавоз, назокатли, ҳар томонлама маданий, самимий инсон гавдаланади.

Сулаймон РУСТАМ.

ФУТБОЛ

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

МАМЛАКАТ 43-ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНИ ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР

МАНА, салкам саккиз ой давом этган, аниқроғи 3 апрелда стартга чиққан мамлакат 43-футбол чемпионати 22 ноябрда ўзининг финиш чизиғини босиб ўтди. Жадвал катаклари тўлди. Медал эгалари ва икки омадсиз команда маълум бўлди. Келаси мавсум кучлилар сафида қатнашадиган биринчи лиганинг икки ғолиби ҳам аниқ.

Ўтган мавсум бронза медалларини олган Киев динамочилари бу йил олтин медал эгаси бўлдилар. «Спартак» эса бу йил олтинни кумушга алмаштирди. Футболимиз тарихида биринчи марта Ленинграднинг «Зенит» командаси бронза совриндори бўлди.

Бу йилги чемпионат совет футболчилари учун ўзига хос жиддий синов вазифасини ҳам ўтади. Москвада XXII Олимпиа ўйинларида терма командамиз учинчи ўрнини эгаллади. Ваҳоланки мухлислар командамиздан бундан кўра яхшироқ натижани кутган эдилар. 17 сентябрда Европанинг 3 та мукофоти учун баҳсни бошлаб юборган 131 та клуб сафида 5 та командамиз бор эди. Бугунги кунга келиб 32 та чорак финалчилар сафида Москванинг «Спартак» ва Тбилисининг «Динамо» командалари курашни давом эттирмоқдалар. СССР терма командаси жаҳоннинг бир неча кучли командалари билан халқаро ўртоқлик учрашувларини муваффақиятли ўтказди.

ЛЕКИН бугунги футболимизга баҳо берганда мутахассислар ҳам, ишқибозлар ҳам бир оғиздан бир жойда депсиниш давом этаётганлигини ачиниш билан таъкидламоқдалар. Клублар қанчалик кучли бўлса терма команда шунчалик яхши қатнашади. Жаҳон ва Европа миқёсидаги мусобақаларда ҳамон кўнгилдаги натижага эришаолмаётганлигимизнинг сабаби терма командамиз составида бор-йўғи бир нечтагина клубнинг вакиллари иштирок этаётганлигидадир.

Чемпионат тугади. Бу йилги ўйинлар ҳали мутахассислар ва мухлислар ўртасида муҳокама қилинади, футболчилар маҳоратини ошириш учун нималар тўсқинлик қилаётганлиги ҳақида мунозаралар бўлади. Шу жумладан, республикамиз вакиллари «Пахтакор» командасининг бу мавсумдаги бой берган имкониятлари таҳлил этилади. Команданн мустаҳкамлаш, ўтмиш шуҳратини тиклаш учун конкрет чоралар кўрилишига ишонамиз.

Уюшган, аҳил коллектив ташкил этиш учун ҳали кўп меҳнат қилиш лозимлигини ҳам яхши биламиз. Команда раҳбарлари изланишда давом этмоқдалар. «Пахтакор» чемпионатнинг якунловчи ўйинларини бирмунча ҳужумкорлик руҳида ўтказди. Лекин унинг бу йилги умумий натижасидан мухлислар хурсанд эмаслар. Ўтган йил тўққизинчи ўринни эгаллаб, жами 11 та ғалабага эришган, 9 учрашувни дуранг қилиб, 14 марта маглубиятга учраган «Пахтакор» бу йил 9 та ғалабага эришди, 8 ўйинни дуранг қилиб, 17 марта маглубиятга учради. Якунловчи жадвалда 16-ўринда қолди. Мухлисларга ҳарқалай командамиз унга берилган имтиёз туфайли эмас, балки ўз кучи билан олий лигада қолганлиги тасаллн беради, холос.

Бутун чемпионат давомида командада тез-тез ўзгаришлар рўй бериб турди. Мавсумнинг иккинчи ярмида Иштван Секеч билан Галимзян Хусанновлар Сергей Мосягинга ёрдамга келдилар. Иккинчи лиганинг қатор ўйинчилари «Пахтакор» сафида ўз кучини синаб кўрди. Бир сўз билан айтганда командада бу йил қарийб 30 га яқин ўйинчи майдонга тушди. Мавсум бошларида тўққиз очко билан жадвалнинг олтинчи поғонасини эгаллаган «Пахтакор» биринчи давра якунида 13 очко билан ўн бешинчи ўринда қолди. Иккинчи даврада ҳам командамиз шунча очко тўплади. «Пахтакор»нинг мавсумдаги бир қатор ўйинлари, жумладан, ўз майдонидаги Марказий Армия спорт клуби, «Зенит», «Динамо» (Минск), сафарда эса «Арарат» ва «Қайрат» командалари билан бўлган ўйинлардаги ғалабаси мухлисларда яхши таассурот қолдирди. Лекин аксарият учрашувларда рақибларига тенг қаршилик кўрсата олмади.

Агар ўтган чемпионатда «Пахтакор» иштирок этган жами учрашувларни 764 минг томошабин кўрган бўлса, бу йил улар сони 143 минг кишига камайди. Команда яхши ўйин кўрсатса унинг мухлислари ортаверади, агарда муваффақиятсиз қатнашса стадионга келаётган томошабинлар сони ўйиндан ўйинга камаяверади. Мана, бир неча йилдирки, футбол мухлислари «Пахтакор» стадиони тўлганини эслай олмайдилар.

«Пахтакор» сафида майдонга тушган ўйинчилар ҳақида нима дейиш мумкин!

Маълумки, мавсум бошларида аввалига ҳимояда ўйнаган Низом Нортожиев кейинчалик ҳужумчи бўлиб майдонга тушгач кетма-кет тўп киритиб, бомбардирлар сафидан ўрин ҳам олди. Муҳим тўплар киритиб, командага қиммати очколар келтирди. Лекин кейинчалик нима сабабдандир тренерларимиз ундан ҳимояда фойдаланишни афзал кўрдилар. Бу қарор кўплаб мухлисларга ёқмади.

Кейинги учрашувларда Андрей Якубик билан Манучар Мачандзелар жонбозлик кўрсатиб ғалабага салмоқли ҳисса қўшган бўлсалар-да, бу ҳол ҳам мухлисларга тўла қувонч бағишламади. Негаки улар бу ветеран футболчилар «Пахтакор» сафида узоқ қололмаслигини, эртами-индин улар ўрнига янги ўйинчилар келишини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам мухлислар ўртасида «Пахтакор»нинг бугунги аҳволидан кўра эртанги кунига ташвиш билан қарашаётганлиги ҳақида рўй-рост гапларни кўплаб эшитиш мумкин.

Команда раҳбарлари олдида жуда муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. У ҳам бўлса Ўзбекистон спорт шарафини мамлакат чемпионатида муносиб ҳимоя қила оладиган кучли ва аҳил коллективни ташкил этишдан иборатдир. Кўп сонли мухлислар эса ўз ўйини услубига эга бўлган севимли командаларини кучли клублар сафида кўришни истайдилар.

Бу йилги чемпионатнинг якунловчи жадвалида командалар қуйидагича жойлашдилар:

	Ю	Д	М	Т	О
Динамо К	21	9	4	63—23	51
Спартак	18	9	7	49—26	45
Зенит	16	10	8	51—42	42
Динамо Тб	16	7	11	51—32	39
ЦСКА	13	12	9	36—32	36
Шахтёр	13	9	12	45—40	35
Черноморец	13	9	12	37—37	35
Арарат	11	11	12	39—43	32
СКА	11	10	13	41—47	32
Динамо Мн	11	12	11	41—42	32
Торпедо	10	11	13	28—32	30
Қайрат	10	11	13	33—44	30
Нефтчи	10	9	15	29—41	29
Динамо М.	9	14	11	32—33	28
Кубань	9	10	15	32—43	28
Пахтакор	9	8	17	26—43	26
Карпати	9	8	17	23—46	26
Локомотив	8	9	17	34—44	25

Ш. УМУРЗОҚОВ,
«Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси.

Реклама ва эълонлар

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
«БИЛИМ» ЖАМИЯТИ ТАШКИЛОТИ
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН
қуйидаги фанлар бўйича
ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

СССР тарихи ва адабиёт, СССР тарихи ва ўзбек адабиёти, математика ва физика, химия ва биология.

МАШҒУЛОТЛАР ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 10.00 ДАН БОШЛАНАДИ ҲАМДА РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати — 1980 йил 7 декабрдан 1981 йил 24 майгача.

БУТУН ЎҚИШ ДАВРИ УЧУН АБОНЕМЕНТ ҲАҚИ — 10 СЎМ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Студентлар шаҳарчаси, университет Маданият саройи, 3-қават, 27-хона (28, 34, 87, 88, 100-автобусларнинг, «ТошДУ» бекати). Телефон: 46-02-25.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — Гимнастика. 10.15 — Тоғ лавиналари. Бадиий фильм. 11.50 — Шостакович номли квартет чалади. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Фридрих Энгельс. Ҳаёти саҳифалари. 16.35 — СССР халқ артисти М. Собирова ва Тожикистон ССР халқ артисти М. Бурхонов рақсга тушади. 17.15 — Москва комсомолининг ишлари. 17.45 — Зое кетган вакт ҳақида эртак. Бадиий фильм. 19.30 — «Время» программасининг почтаси. 20.05 — Арфа садолари. 20.15 — А. Блок туғилган куннинг 100 йиллигига. 21.30 — Время. 22.15 — Эрмитаж. 22.45 — Дунё воқеалари. 23.00 — Кино программа.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I

11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Этик кийган мушук. Телеспектакль. 13.20 — Ҳўжалик механизмини такомиллаштира бориб. 18.20— Кўғирчоқ фильм. 18.35 — Ёшлик. 19.05 — Янги техника ва технологияни пахта тозалаш саноатига жорий этайлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 — Время. 22.15 — Дунё воқеалари. 22.45 — Қўшиқ айтган етар муродга.

II

20.05 — Янгиликлар. 20.55 — Ҳужжатли фильм. 21.10—Сиртдан ўқиётган студентлар учун. 21.40 — Телефильм. 22.20 — Ўнинчи қадам. Бадиий фильм.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29 XI да Келинлар кўзголони, 30 XI да Нодирабегим (11.00, 15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28 XI да Тўйдан олдин томоша, 29, 30 XI да Қулги ва шодлик кечаси.

Ўзбекистон КП Оҳангарон район комитети ва район ижроия комитети район марказий касалхонасининг собиқ бош врачи, Улуғ Ватан урушининг инвалиди, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач

Назирулла МУХТОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг «Тошкент минераль сувлари» физиотерапевтик шифохонаси коллективи бош врач, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Ҳ. А. Абдуллаевга отаси

Абдулла ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П. ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь —334808, 325353; секториат — 325750. БЎЛИМЛАР оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 02402 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Б. 1738.